Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши

№ 67 (13:023).

1965 МАРТ 21 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига СССР Олий Совети Президиумига СССР Министрлар Советига

Маълум қиламиз: Коммунистик партиянинг, Совет ҳукуматининг топшириғи муваффақиятли бажарилди. Космик кеманинг барча системалари яхши ишлаб турди. Кайф-ҳолимиз жуда яхши. Билдирилган ишонч учун катта раҳмат.

Космонавтлар БЕЛЯЕВ, ЛЕОНОВ.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Кўп ўринли «Восход-2» йўлдош кемасида космонавтлар экипажини учиришда қатнашган олимлар ва конструкторларга, инженерларга, техниклар ва ишчиларга, барча коллективлар ва ташкилотларга

СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИ ЎРТОҚ ПАВЕЛ ИВАНОВИЧ БЕЛЯЕВГА, ЎРТОҚ АЛЕКСЕЙ АРХИПОВИЧ ЛЕОНОВГА

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Социалистик Ватанимиз космосни штурм қилишни муваффақият билан давом эттирмоқда. Кўп ўринли «Восход-2» йўлдош кемасининг космосда қилган парвози ҳозиргина тугалланди. Совет халқи ва бутун инсоният космосни забт этган янги қаҳрамонлар—«Восход-2» кемасининг командири — космонавт-учувчи ўртоқ Павел Иванович Беляев билан иккинчи учувчи космонавт-учувчи ўртоқ Алексей Архипович Леоновларнинг номларини билиб олди.

«Восход-2» кемасининг парвози космосни ўзлаштириш тарихида янги, бениҳоя муҳим саҳифа очди. Жаҳонда биринчи марта Совет Иттифоқида одам йўлдош кемадан ташқарига чиқарилиб, космик фазода эркин парвоз қилдирилди. Одатдан ташқари дадилликни талаб қилувчи бу мураккаб тажрибани «Восход-2» кемасининг командири космонавт-учувчи ўртоқ П. И. Беляев иштирокида космонавт-учувчи ўртоқ А. А. Леонов амалга оширди. Ўртоқ А. А. Леонов кемадан ташқарида белгиланган тадқиқотлар комплексини муваффақиятли ўтказиб, кема кабинасига омон-эсон қайтиб кирди.

Ерда яшовчи миллион-миллион кишилар ўртоқ А. А. Леоновнинг космик фазога чиққан вақтини, унинг кема ташқарисида қилган ишини ва кемага қайтиб киришини кемага ўрнатилган энг янги махсус телевизион система ёрдами билан яққол кўриб туришга мушарраф бўлдилар.

«Восход-2» космик кемасининг экипажи илмий тадқиқотлар комплексини тўла бажарди. Мана шу космик парвоз вақтида олинган барча маълумотлар совет ва жаҳон фанига янги ғоят катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Тарихда биринчи марта инсон коинотга эшик очди, бевосита космик фазога чиқиб ишлади.

Ватанимизнинг космосни ўзлаштиришда эришган янги муваффақияти ҳамда космонавтлар П. И. Беляев ва А. А. Леонов ўртоқларнинг кўрсатган чексиз мардлиги билан бутун совет халқи фахрланмоқда. Коммунистик партия тарбиялаб етиштирган бу қаҳрамонлар космосга қилинган одатдан ташқари парвознинг барча қийинчиликларига бардош бердилар, партия ва ҳукумат топшириғини шараф билан адо этдилар, Совет Иттифоқининг космосдаги шуҳратига шуҳрат қўшдилар.

Қадрдон Павел Иванович Беляев ва Алексей Архипович Леонов ўртоқлар, сизларни «Восход-2» йўлдош кемасида космосда муваффақиятли парвоз қилганлигингиз ва Советлар Ватани ўз зиммангизга юклаган фахрли топшириқни адо этганингиз билан қизғин табриклаймиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети ғағин ҳам мукаммалроқ кўп ўринли «Восход-2» йўлдош кемасини, унинг янги системалари ва ускуналарини яратишда, совет космонавтлари экипажини космосда учишга ҳозирлашда ва учиришда, жаҳонда биринчи марта одамни кема ичидан космик фазога чиқаришда қатнашган барча ўртоқларни—олимларни, конструкторларни, инженерларни, техникларни, ишчиларни, медицина ходимларини ҳам чин юракдан қутлайдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети шу нарсани хурсандчилик билан таъкидлайдиларки, «Восход-2» йўлдош кемасининг ҳамма системалари ва ускуналари, айниқса одамнинг кемадан ташқарига чиқишини ва кабинага қайтиб киришини таъминловчи система бенуқсон ишлади. Бу билан совет космик техникасининг юксак даражаси ва аъло сифати бутун дунё кўзи олдида яна бир марта намойиш қилинди.

Космик фазони ўзлаштиришда янги уфқлар очган совет олимларига, конструкторларига, инженерларига, техниклари ва ишчиларига шон-шарафлар бўлсин!

Космоснинг янги қаҳрамонларига шон-шарафлар бўлсин!

Яшасин совет халқи барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партияси!

Коммунизм ғалабаси йўлида қилаётган меҳнатимизда шижоаткорликлар кўрсатиб, социалистик Ватанимиз шон-шуҳратини ошира берайлик!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ҚОЙИЛМИЗ

«Восход-2» космик кеманинг парвози биз пахтакорларни ҳам ғоятда қувонтириб юборди. Айниқса довюрак Леоновнинг космосга чиқиб, кемага муваффақиятли қайтиб киргаплигини эшитиб беҳад қувондик. Ҳа, космонавтика тарихида совет киши томонидан яна бир янги саҳифа очилди.

Жасоратли космонавтларимизнинг бу парвозидан руҳланган совхозимиз пахтакорлари чигит экиш кампаниясини қисқа муддатда сифатли ўтказишга қарор қилдилар. Мавжуд 5500 гектар майдонга чигитни 7-8 иш кунида юксак агротехника қоидалари асосида квадрат-уялаб жойлаштирамиз. Барча майдонда чигитни тупроқнинг ўз намига текис ундириб оламиз. Бунинг учун агрегатлар шайлаб қўйилди. 200 га яқин экипаж аъзоси пухта ўқитилди.

Тупроқда нам сақлаш — катта аҳамиятга эга. 60 дан ортиқ агрегатни дала бошига чиқариб қўйдик. Ҳаво юришиб кетиши биланоқ барча майдонни 3-4 кунда бороналаб, намини сақлаб қоламиз.

Етти йилликнинг охирги йилида она-Ватанга ҳар қачонгидан кўп ва сифатли «оқ олтин» етказиб берамиз. Бу бизнинг Ватанимиз шон-шуҳрати ва қудратини янада оширишга қўшган ҳиссамиз бўлади.

Воҳид ЖУРАЕВ,
«Савай» совхозининг бригада бошлиғи.

Андижон области.

КОСМОС БАҲОДИРЛАРИГА

Фарғона областининг ишчилари, колхоз далаларининг меҳнаткашлари Павел Иванович Беляев ва Алексей Архипович Леоновнинг мислсиз шижоат кўрсатганликларини эшитиб, ўзларининг бунга қойил бўлганликларини айтмоқдалар.

Ленинград районидаги Охунбобоев номли колхозда маккажўхорикор бригада бошлиғи, республика Олий Советининг депутати Меликўзи Омонов бундай деди:

— Ватанимиз шонли фарзандларининг «Восход-2» космик кемасида қилган парвози совет фанининг янги ғалабаси бўлди. Бригадамиз аъзолари етти йилликнинг охирги йилида бу ғалабага жавобан ерда янги рекордларга эришадилар, ҳар бир гектардан бир ярим минг центнерга етказиб маккажўхори кўкпояси етиштирадилар. Биз иш бошлаб юбордик, экиш агрегатлари далаларда жавлон урмоқда. (ЎзТАГ).

БАРАКАЛЛА, АЗАМАТЛАР!

Биз ёшлигимизда учар гиламларни орзу қилардик. Оналаримиздан, момоларимиздан эртак эшитганимизда осмонга қараб: «Биз ҳам қачон беқанот учарканмиз», дердик. Биз Улуғ Октябрь тонги отмасдан илгари туғилган кишилар ёруғ кунларни орзу қилардик. Муродимизга етдик. Улуғ Ленин тузган Коммунистик партия ҳаммамизга бахтли ҳаёт кечириш, юксак парвоз қилиш учун қанот берди.

Халқимизнинг икки ўғлони, икки мард лочини — полковник Павел Иванович Беляев, подполковник Алексей Архипович Леонов бутун жаҳонни ҳайратда қолдирди. Биз фазони ўзлаштираётган азаматларга қойилмиз. Чўлқуварлар ерда қандай дадил қадам ташлаётган бўлса, совет космонавтлари ҳам фазони ўзлаштиришда шундай улуғ иш қиляптилар. Бригадамизнинг 7 азамати ўтган йил 50 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтарди. Ана шу майдонлар илгари қуруқ қақшаб ётган, экин битмайдиган жой эди. Сув чиқариб ўша ерларни «оқ олтин» конига айлантирдик. Машинанинг шарофати билан планимизни 5 кундаёқ бажардик. Бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил оламиз, деб белимизга ғайрат камарини маҳкам боғлаганмиз. Ҳамма нарсани экиш-тикишга тахт қилиб қўйдик. Бугун-эрта чигит экишни бошлаб юборамиз.

Азиз ватандошлар, сиз бир ёндан, биз бир ёндан бўлишиб, янги ерларни ҳам, фазони ҳам ўзлаштираверайлик, ҳаммамизнинг мақсадимиз битта: севикли Ватанимизни улуғлаш ҳар биримизнинг айни муддаомиздир. Халқимизнинг қўрқмас, довюрак лочинларига, тинчлик посбонларига баракалла!

Қосим АВАЗОВ,
Қарши районидаги «Партия XX съезди» совхозининг бригадири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор.

СЕЯЛКАЛАР ДАЛАГА ЧИҚДИ

Андижон районидаги «Янгиобод» колхозида маккажўхори экиш бошланди. Биринчи бўлиб механизатор Собир Умрзоқовнинг агрегати далага чиқди. Яхши ишланган, текисланган ерларга уруғ туша бошлади. Умрзоқовнинг агрегати дастлабки куни 6 гектар ерга уруғ ташлади.

Шу билан бирга колхозда беда экинларини парвариш қилиш, янги беда экишга ҳам киришилди. Беда экиладиган майдонлар сифатли бороналанди, ҳар гектар ерга 300 килограммдан суперфосфат солинди.

И. РУДЕНКО.

ХУШХАБАРЛАР

Коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган Избоскан районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари бу йил гектаридан 35 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилдилар. Коммунистик меҳнат зарбдорлари советининг яқинда бўлиб ўтган йиғилиши Ҳожиев, Нишонов, Маллаев ва Паршиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларга коммунистик меҳнат коллективи номини беришга қарор қилди.

Ҳ. ЖЎРАЕВ.

* * *

Абдуллажон Эркабоев Ўзбекистон районидаги «Ўзбекистон» колхозида мўл пахта ҳосили етиштириш учун курашга катта ҳисса қўшаётган механизаторлардан биридир. У кузда 200 гектар ерни сифатли шудгор қилди. Сўнг ўз машинасини ремонтдан чиқарди. Ҳозир эса ер текислаяпти. У қисқа вақт ичида 150 гектар ерни яхшилаб текислади.

Т. ЮСУПОВ.

* * *

Оққўрғон районидаги энг йирик хўжаликлардан бири бўлган «Ленинобод» колхози ободлиги жиҳатидан ҳам пешқадамлар каторига ўтиб олди. Колхоз йўлларига шагал ва асфальт ётқизилган. Тоштўғон ва Эркинлик қишлоқларига водопровод ўтказилди. Ўтган йили 40 колхозчи янги уйларга кўчиб кирган бўлса, бу йил 55 та хонадон уй тўйи ўтказади.

Н. ТУФОНОВ.

* * *

Академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий текшириш институти ҳузурида ташкил этилган боғбонлар мактабида республикамизнинг турли областларидан келган ёшлар билим олмоқдалар. Шу кунларда бўлажак соҳибкорлар мева дарахтларини буташ ва шакл бериш, кўчатларни қазиб олиш ва ўтказиш юзасидан амалий машғулотлар ўтказмоқдалар.

И. АҲМЕДОВ.

* * *

Гектаридан 40 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилган Янгиариқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари шўр ювишни кучайтириб юбордилар. Салой Матназаров, Жуманиёз Отажонов, Аҳмад Қурбонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда шўр ювиш тугалланай деб қолди.

Қ. ЮСУПОВ.



САМАРҚАНД областидаги «Узсельхозтехника» савдо базасида минерал ўғитлар, заҳарли химиканатлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва уларнинг запас қисмларини сақлаш учун катта склад қурилипти. Суратда: шу склад қурилишида актив қатнашаётган ёш бетончилардан Елена Крупина, Валентина Каратаева ҳамда Мария Донскова ўртоқлар. Улар смена топшириқларини ҳамиша ошириб бажаришяпти.

А. Кузьменко фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ДОН ЭКИШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

НАГОРНАЯ. (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Йирик ғаллакор ва чорвадор хўжаликлардан бири ҳисобланган «Каттақўрғон» совхози коллективи баҳори дон экишни агротехника жиҳатидан қулай муддатларда ўтказди. Ғаллакорлар ҳаммаси бўлиб 13400 гектар лалмикор ерга бугдой ва арпа экиб бўлдилар. Бу ўтган йилдагидан бир неча минг гектар кўпдир.

Шу кунларда бўлим ва бригадаларда кузда ҳайдалган участкаларга беда, кунгабоқар экиш авж олиб кетди. Кузда экилган дон майсалаб қолди.

Л. ЭРГАШЕВ.

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ҚУВОНАРЛИ

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ БУТУНИТТИФОҚ КЎРИГИ ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИДА

Мамлакатнинг халқ университетларида ишчилар, хизматчилар ва колхозчилардан икки миллион киши ўқимоқда. Ҳозир ўтказилаётган Бутуниттифоқ жамоатчилик кўриги бу оммавий ўқув юртларининг фаолиятини яхшилашга, тағин ҳам кўпроқ меҳнаткашларни билимлардан баҳраманд қилишга ёрдам бериши лозим. Бу кўрикнинг дастлабки натижалари бизни қувонтирмаслиги мумкин эмас.

Халқ университетларининг иши билан шуғулланувчи Литва республика советининг раиси Г. К. Забулис ташкилот комитетининг Москвада бўлиб ўтган мажлисида айтдики, Литвада халқ университетлари ва бу университетларнинг филиаллари анча кўпайди. Халқ университетида ўқувчилар бу йил ўтган йилдагига нисбатан учдан бир ҳисса ортди.

Маданият университетларига қўшимча қилиб, деди халқ университетларининг иши билан шуғулланувчи Ўзбекистон республика советининг раиси М. М. Раҳмонқулов, Ўзбекистонда коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси, халқлар дўстлиги, халқаро муносабатлар ва бошқа хил шу каби кўпгина халқ университетлари ташкил этилди. Ҳозир республикада 34 профилдаги халқ университетлари ишлаб турибди. Қишлоқ турмуш маданияти университетлари очилганлиги республикамиздаги янгилиндир. Бу университетларда шуғулланувчилар марксчаленинча этика ва эстетика, болларни тарбиялаш проблемаларини ўрганмоқдалар.

Озарбайжон халқ университетларининг ишида диққатга сазовор янгиликлар кўп. Уларнинг иш тажрибалари тўғрисида халқ университетларининг иши билан шуғулланувчи республика советининг раиси Ф. Г. Аҳмедов гапириб берди. (ТАСС).

ГЕОРГЕ ГЕОРГИУ-ДЕЖ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Руминия Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси ўртоқ Георге Георгиу-Деж оғир бетобликдан сўнг 1965 йил 19 мартда Бухарест шаҳрида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

РУМИНИЯ ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, РУМИНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ КЕНГАШИГА, РУМИНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Азиз ўртоқлар!

Румин халқининг содиқ фарзанди, Руминия Халқ Республикасининг, шунингдек халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Руминия Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг раиси ўртоқ Георге Георгиу-Деж вафот этганлиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети чуқур қайғурмоқдалар ва шу оғир жудолик муносабати билан Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетига, Руминия Халқ Республикасининг Давлат Кенгашига, Руминия Халқ Республикасининг Министрлар Советига ва бутун румин халқига Совет Иттифоқининг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари номидан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Руминия Ишчи партияси ва румин халқи ўртоқ Георге Георгиу-Деж вафот этганлиги туфайли Руминиядаги революцион ҳаракатнинг синалган раҳбари, социалистик қурилишнинг ажойиб ташкилотчисидан жудо бўлди, меҳнаткаш халққа фидокорона хизмат қилишга, ўз эътиборини яшнатиш ишига, ер юзида социализм ва тинчликнинг ғалаба қилиши ишига ўзининг бутун умрини бағишлаган кишидан жудо бўлди.

Ўртоқ Георге Георгиу-Деж вафоти муносабати билан совет коммунистлари, Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашлари Руминия коммунистларининг қайғусига, бутун румин халқининг изтиробига ҳамдардирлар.

Совет кишилари ўртоқ Георге Георгиу-Дежни совет халқининг қалин дўсти деб, мамлакатларимиз халқлари ўртасида қардошларча дўстликни ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун кўп, куч сарфлаган киши деб билар эдилар.

Қадрдон румин халқининг порлоқ келажаги учун, коммунизм буюк идеаларининг ер юзида тантана қилиши учун эҳтирос билан курашган ўртоқ Георге Георгиу-Дежнинг қотираси Совет Иттифоқи коммунистларининг ва барча меҳнаткашларининг қалбида абадий сақланиб қолади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ А. А. ГРОМИКОНИНГ БУЮК БРИТАНИЯГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Буюк Британия ҳукуматининг таклифига биноан, Қўшма королликка расмий визит билан бориб, 1965 йил 16 мартдан — 20 мартгача меҳмон бўлиб турди. Бу визит вақтида А. А. Громико бош министр Г. Вильсон ва ташқи ишлар министри М. Стюарт билан учрашди. Бу учрашувларда Буюк Британия савдо министри ва ташқи ишлар министрлигининг вакиллари ҳам қатнашдилар.

СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси А. А. Солдатов ва Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси Х. Тревельян ҳам иштирок этган суҳбатлар вақтида ҳар иккала мамлакатни қизиқтираётган муҳим халқаро проблемалар ва Совет—Англия муносабатлари масалалари ҳақида гаплашилди.

Ҳинди-Хитой районидаги хатарли аҳволга алоҳида эътибор берилди. Ҳар иккала томон бу ҳавфни йўқотмоқ учун қилиниши лозим бўлган қаракатлар хусусида ўзларининг тегишли фикрларини тушунтириб бердилар.

Қуролсизланиш проблемаси, шу жумладан кўрилиши мумкин бўлган қисмий чоралар масаласи қараб чиқилди.

Германия проблемасини тинч бартараф қилишга таллуқли турли масалалар ҳақида, шунингдек Европа хавфсизлигининг бошқа жиҳатлари тўғрисида томонлар ўзларининг тегишли фикрларини баён қилдилар.

Министрлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги аҳволни муҳокама қилдилар ва ўз ҳукуматлари бу ташкилотни мустаҳкамлашга кўмаклашишни истаганлигини таъкидладилар.

Совет—Англия муносабатлари масалалари кўриб чиқилаётган қаҳтда илмий-техникавий алоқалар ривожланиб борайётганлиги ва 1965 йил 13 февралда Москвада янги маданий битим имзоланганлиги муносабати билан томонлар ўзларининг мамнун бўлганликларини изҳор қилдилар.

Ҳар икки мамлакат ўртасидаги умумий муносабатларнинг бир қисми бўлган савдо-сотиқнинг катта аҳамияти борлиги эътироф қилинди.

Ҳар иккала томон СССР билан Буюк Британия ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантириш зараклигини айтишди.

Томонлар бўлиб ўтган фикрлашувларга баҳо бериб бамаслаҳат шундай фикрга келдиларки, бу фикрлашувлар фойдали бўлди ва ҳар иккала ҳукуматнинг икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилиш ниятларига мос бўлиб тушди.

СССР ташқи ишлар министри Буюк Британия ташқи ишлар министрини расмий визит билан Совет Иттифоқига келишга таклиф қилди. Бу таклиф қабул қилинди. Визитнинг қачон бўлиши қўшимча равишда келишиб олинади.

Монолит бирлик

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАРНИНГ ЯКУНЛАРИ

14 мартда ўнта иттифоқдош республикада — Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Молдавия, Латвия, Тожикистон ва Туркманистонда меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область, округ, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларига сайловлар бўлиб ўтди.

Сайлов кампанияси сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ўсган вазиятда, етти йиллиқнинг сўнгги йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олдирилган вазиятда ўтди.

Ҳамма жойда овоз бериш эрталаб соат 6 да бошланди ва маҳаллий вақт билан кечаси соат 12 да тамом бўлди.

Сайловчиларнинг юксак активлиги ва уюшқоқлиги билан ўтган сайловлар меҳнаткашларнинг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тевирагига маҳкам жипслашганлигини кўрсатувчи ёрқин намойиш бўлди. Сайловлар бўлиб ўтган барча республикаларда коммунистлар билан партиясизлар халқ блокининг номзодлари депутат қилиб сайланди.

Қуйида иттифоқчи республикаларда ўтказилган сайловларнинг якунлари тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинади:

◆ ◆

РСФСР

МОСКВА, 19 март. (ТАСС). РСФСР Олий Совети Президиуми меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область, округ, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларига ўтказилган сайловларга якун ясади.

Меҳнаткашлар депутатлари 6 ўлка Советига, 49 область Советига, 5 автоном область Советига, 10 миллий округ Советига, 1.464 район Советига, 901 шаҳар Советига, шаҳарлардаги 241 район Советига, 21.922 қишлоқ Советига ва 1.747 посёлка Советига депутатлар сайланди.

Ўлка Советига ўтказилган сайловларда овоз беришда сайловчилар умумий сонига нисбатан сайловчиларнинг 99,94 проценти, область Советларига сайловларда — 99,90 проценти, округ Советларига сайловларда — 99,88 проценти, район Советларига сайловларда 99,96 проценти, шаҳар Советларига сайловларда 99,90 проценти, шаҳарлардаги район Советларига сайловларда 99,88 проценти, қишлоқ Советларига сайловларда 99,97 проценти, посёлка Советларига сайловларда 99,90 проценти қатнашди.

Шундай қилиб, жуда оз сайловчилардан ташқари, сайловчиларнинг деярли ҳаммаси сайловларда қатнашди.

Депутатликка номзодлар учун қуйидагича овоз берилган (овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонига нисбатан процент ҳисобида): ўлка Советларига 99,50 процент, область Советларига — 99,34 процент, округ Советларига — 99,16 процент, район Советларига — 99,34 процент, шаҳар Советларига — 99,18 процент, шаҳарлардаги район Советларига — 99,22 процент, қишлоқ Советларига — 99,21 процент, посёлка Советларига — 98,84 процент.

Сайловлар тўғрисидаги Низомнинг 108-моддасига асосан 1.873 бюллетень бекор деб топилди.

Овоз бериш натижалари сайловчилар коммунистлар билан партиясизлар халқ блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз берганликларини кўрсатди.

Жами республика бўйича барча маҳаллий Советларга 1.059.255 депутат сайланди. Сайланган депутатлардан 458.294 киши, ёки 43,3 процента хотин-қизлар, 583.001 киши, ёки 55,0 процента партиясизлардир. Ишчи ва колхозчилардан 636.819 киши, ёки 60,1 процента депутат қилиб сайланди. Депутатлардан 623.177 киши, ёки 58,8 процента аввалги чақириқ маҳаллий Советларнинг депутатлари эмас эди.

Район Советларига сайлов ўтказувчи 3 сайлов округида, шаҳар Советларига сайлов ўтказувчи 2 сайлов округида, қишлоқ Советларига сайлов ўтказувчи 157 сайлов округида ва посёлка Советларига сайлов ўтказувчи 8 сайлов округида овозга қўйилган номзодлар мутлақ кўпчилик овоз ололмадилар ва депутат қилиб сайланмай қолдилар.

Сайловлар тўғрисидаги Низом бузилганлиги учун район Советларига сайлов ўтказувчи бир сайлов округида, қишлоқ Советларига сайлов ўтказувчи 7 сайлов округида ва посёлка Советларига сайлов ўтказувчи 3 сайлов округида сайловлар нотўғри деб топилди. 3 сайлов округида, шу жумладан район Советларига сайлов ўтказувчи бир округда, шаҳар Советига сайлов ўтказувчи бир округда, қишлоқ Советларига сайлов ўтказувчи бир округда сайловлар ўтказилмади.

Бу округларнинг ҳаммасида «РСФСР меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область, округ, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларига сайловлар тўғрисидаги Низом»га мувофиқ, янгидан сайловлар ўтказилади.

УКРАИНА ССР

КИЕВ, 19 март. (ТАСС). Украина ССРда меҳнаткашлар депутатлари 25 область, 394 район, 365 шаҳар, шаҳарлардаги 83 район, 732 посёлка ва 8.539 қишлоқ Советларига депутатлар сайланди.

Область Советларига ўтказилган сайловларда сайловчилар умумий сонининг 99,98 проценти, район Советларига сайловларда — 99,98 проценти, шаҳар Советларига сайловларда — 99,96 проценти, шаҳарлардаги район Советларига сайловларда — 99,95 проценти ҳамда қишлоқ ва посёлка Советларига сайловларда — 99,98 проценти қатнашди.

Депутатликка номзодлар учун (овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонига нисбатан процент ҳисобида) область Советларига сайловчиларнинг 99,83 проценти, район Советларига — 99,85 проценти, шаҳар Советларига — 99,71 проценти, шаҳарлардаги район Советларига — 99,74 проценти, қишлоқ ва посёлка Советларига — 99,85 проценти овоз берди.

Украинада барча маҳаллий Советларга 419.594 депутат сайланди, булар орасида хотин-қизлар — 174.126 киши, ёки 41,5 процент, партиясизлар — 225.367 киши, ёки 53,7 процент, ишчилар ва колхозчилар — 279.406 киши, ёки 66,6 процентдир. Депутатлардан 205.130 киши, ёки 48,9 проценти аввалги чақириқ маҳаллий Советларининг депутатлари эмас эди.

Посёлка Советларига сайлов ўтказувчи 3 сайлов округида ва қишлоқ Советларига сайлов ўтказувчи 6 сайлов округида депутатликка кўрсатилган номзодлар мутлақ кўпчилик овоз олмадилар ва депутатликка сайланмадилар. Қишлоқ Советларига сайлов ўтказувчи бир сайлов округида овоз бериш нотўғри деб топилди.

Ана шу округларнинг ҳаммасида «Украина ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларига сайловлар тўғрисидаги Низом»га мувофиқ янгидан сайловлар ўтказилади.

БЕЛОРУССИЯ ССР

МИНСК, 19 март. (ТАСС). Белоруссия ССР Олий Совети Президиуми меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларига сайловларнинг якунларини умумлаштирди.

Ўтказилган сайловлар натижасида 6 область Советига, 100 район Советига, 74 шаҳар Советига, шаҳарлардаги 13 район Советига, 1.527 қишлоқ Советига ва 125 посёлка Советига депутатлар сайланди.

Овоз беришда сайловчиларнинг умумий сонига нисбатан область Советларига сайловларда сайловчиларнинг 99,98 проценти, район Советларига сайловларда — 99,99 проценти, шаҳар Советларига сайловларда — 99,87 проценти, шаҳарлардаги район Советларига сайловларда — 99,83 проценти, қишлоқ Советларига сайловларда — 99,98 проценти, посёлка Советларига сайловларда — 99,98 проценти қатнашди.

Халқ номзодлари учун қуйидагича овоз берилган: (овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонига нисбатан процент ҳисобида): область Советларига — 99,82 процент, шаҳар Советларига — 99,72 процент, шаҳарлардаги район Советларига — 99,69 процент, қишлоқ Советларига — 99,74 процент, посёлка Советларига — 99,71 процент.

Жами республика бўйича барча маҳаллий Советларга 80.881 депутат сайланди.

Депутатлар орасида хотин-қизлар 34.915 киши, ёки 43,2 процент, партиясизлар 47.246 киши ёки 58,4 процент, ишчи ва колхозчилар 51.711 кищи ёки 63,9 процентдир. Сайланган депутатларнинг умумий сонидан 44.336 киши ёки 54,8 проценти илгариги чақириқ маҳаллий Советларининг депутатлари эмас эдилар.

Қишлоқ Советларига сайловлар ўтказган 6 сайлов округида овозга қўйилган номзодлар мутлақ кўпчилик овоз олмадилар ва депутат қилиб сайланмадилар. Шаҳар Советига сайловлар бўйича битта сайлов округида ва посёлка Советига сайловлар бўйича битта сайлов округида сайловлар бекор қилинди. Бу округларда янгидан сайловлар ўтказилади.

ҚОЗОҒИСТОН ССР

ОЛМАОТА, 19 март. (ТАСС). Қозоғистон ССРда меҳнаткашлар депутатларининг бир ўлка Советига, 15 та область Советига, 152 та район Советига, 61 та шаҳар Советига, шаҳарлардаги 8 та район Советига, 164 та посёлка Советига, 1804 та қишлоқ ва овул Советларига депутатлар сайланди.

Меҳнаткашлар депутатларининг ўлка, область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига ўтказилган сайловларда овоз беришда қатнашганлар қуйидагича бўлди: овоз беришда қатнашган ҳамма сайловчиларнинг ўлка Советига сайловларда 99,96 проценти, область Советларига сайловларда 99,98 проценти, район Советларига сайловларда 99,99 проценти, шаҳар Советларига сайловларда 99,96 проценти, шаҳарлардаги район Советларига сайловларда 99,99 проценти, посёлка Советларига сайловларда 99,95 проценти, қишлоқ ва овул Советларига сайловларда 99,99 проценти қатнашди. Шундай қилиб, сайловчиларнинг жуда оз қисмидан ташқари деярли ҳамма сайловчилар сайловларда иштирок қилдилар.

Депутатликка номзодлар учун овоз берган сайловчилар орасида ўлка Советининг депутатларига овоз берганлар 99,57 процентни, область Советларининг депутатларига овоз берганлар 99,51 процентни, район Советларининг депутатларига овоз берганлар 99,51 процентни, шаҳар Советларининг депутатларига овоз берганлар 99,15 процентни, шаҳарлардаги район Советларининг депутатларига овоз берганлар 98,92 процентни, посёлка Советларининг депутатларига овоз берганлар 99,44 процентни, қишлоқ ва овул Советларининг депутатларига овоз берганлар 99,55 процентни ташкил қилди.

Барча маҳаллий Советларнинг депутатлигига ҳаммаси бўлиб 102.940 киши сайланди. Депутатлар орасида 39.406 киши ёки 38,3 проценти хотин-қизлар, 57.213 киши ёки 55,6 проценти партиясизлар, 57.666 киши ёки 56,0 проценти ишчилар ва колхозчилардир. 67.384 киши ёки янги сайланган депутатларнинг 65,5 проценти бундан олдинги чақириқ маҳаллий Советларнинг депутатлари бўлган эмас.

Қишлоқ ва овул Советларига сайловлар ўтказилган олтита сайлов округида овозга қўйилган номзодлар овозларнинг мутлақ кўпчилигини олмади ва депутатликка сайланмай қолди. Посёлка Советига сайловлар ўтказилган битта сайлов округида ва қишлоқ Советларига сайловлар ўтказилган битта сайлов округида сайловлар тўғрисидаги Низом бузилганлиги сабабли сайловлар нотўғри ўтказилган деб топилди. Қишлоқ Советларига сайловлар ўтказилган тўртта сайлов округида об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги сабабли сайловлар бўлмай қолди. Шу округларнинг ҳаммасида сайловлар бошқатдан ўтказилади.

ОЗАРБАЙЖОН ССР

БОКУ, 19 март. (ТАСС). Озарбайжон ССРда меҳнаткашлар депутатлари Тоғли-Қорабоғ автоном области Советига, 60 та район Советига, 44 та шаҳар Советига, Боку шаҳрида 9 та район Советига, 818 та қишлоқ Советига ва 99 та посёлка Советига сайловлар ўтказилди.

Меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советларига ўтказилган сайловларда овоз беришда қатнашганлар қуйидагича бўлди: овоз беришда қатнашган ҳамма сайловчиларнинг Тоғли-Қорабоғ автоном области область Советига сайлашда 99,98 проценти, район Советларига сайлашда 99,99 проценти, шаҳар Советларига сайлашда 99,94 проценти, Боку шаҳридаги район Советларига сайлашда 99,98 проценти, қишлоқ Советларига сайлашда 99,99 проценти, посёлка Советларига сайлашда 99,99 проценти қатнашди.

Депутатликка номзодлар учун овоз берган ҳамма сайловчилар орасида Тоғли-Қорабоғ автоном областининг депутатларига овоз берганлар 99,53 процентни, район Советларининг депутатларига овоз берганлар 99,94 процентни, шаҳар Советларининг депутатларига овоз берганлар 99,74 процентни, Боку шаҳридаги район Советларининг депутатларига овоз берганлар 99,67 процентни, қишлоқ Советларининг депутатларига овоз берганлар 99,93 процентни, посёлка Советларининг депутатларига овоз берганлар 99,82 процентни ташкил қилди.

Барча маҳаллий Советларга ҳаммаси бўлиб 40.183 киши сайланди. Сайланган депутатлардан 15.833 киши ёки 39,4 проценти хотин-қизлар, 20.148 киши ёки 50,1 проценти партиясизлар, 24.965 киши ёки 62,1 проценти ишчи ва колхозчилардир. 22.671 киши ёки 56,4 проценти бундан олдинги чақириқ маҳаллий Советларининг депутати бўлмаган кишилардир.

Қишлоқ Советига сайлов ўтказган битта сайлов округида овозга қўйилган номзод овозларнинг мутлақ кўпчилигини олмади ва депутатликка сайланмай қолди. Қишлоқ Советига сайлов ўтказувчи битта сайлов округида сайловлар бўлмай қолди. Сайловлар тўғрисидаги Низомга мувофиқ, шу округларда янги сайловлар ўтказилади.

МОЛДАВИЯ ССР

КИШИНЕВ, 19 март. (ТАСС). Молдавия ССРда меҳнаткашлар депутатларининг 26 та район Советларига, 19 та шаҳар Советларига, Кишинев шаҳридаги учта район Советига, 605 та қишлоқ Советларига ва 23 та посёлка Советларига депутатлар сайланди.

Ҳамма сайловчилардан овоз беришда иштирок этганлар қуйидагича бўлди: ҳамма сайловчиларнинг район Советларини сайлашда 99,90 проценти, шаҳар Советларини сайлашда 99,96 проценти, Кишинев шаҳридаги район Советларини сайлашда 99,94 проценти, қишлоқ Советларини сайлашда 99,99 проценти, посёлка Советларини сайлашда 99,92 проценти овоз берди.

Овоз беришда қатнашган ҳамма сайловчиларнинг коммунистлар билан партиясизлар блоки номзодлари учун овоз бериши қуйидагича бўлди: шу номзодлар учун овоз берганлар район Советларини сайлашда ҳамма сайловчиларнинг 99,91 процентини, шаҳар Советларини сайлашда 99,56 процентини, Кишинев шаҳридаги район Советларини сайлашда 99,38 процентини, қишлоқ Советларини сайлашда 99,91 процентини ва посёлка Советларини сайлашда 99,66 процентни ташкил қилди.

Молдавия ССР меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советларига ҳаммаси бўлиб 31.252 депутат сайланди. Депутатлардан 14.688 киши ёки 47,0 проценти хотин-қизлар, 18.231 киши ёки 58,3 проценти партиясизлар, 22.041 киши ёки 70,5 проценти ишчи ва колхозчилардир. 17.942 киши ёки сайланган ҳамма депутатларнинг 57,4 проценти бундан олдинги чақириқ маҳаллий Советларининг депутатлари бўлмаган кишилардир.

ЛАТВИЯ ССР

РИГА, 19 март. (ТАСС). Латвия ССР Олий Советининг Президиуми сайловларнинг натижалари тўғрисида меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетларидан тўлиқ маълумотлар олди.

Меҳнаткашлар депутатларининг 21 та район Советига, 54 та шаҳар Советига, Рига шаҳридаги бешта район Советига, 34 та посёлка Советига ва 564 та қишлоқ Советига депутатлар сайланди. Депутатларни сайлашда қатнашган сайловчилар қуйидагича бўлди:

Ҳамма сайловчилар орасида район Советларини сайлашда қатнашганлар 99,83 процентни, шаҳар Советларини сайлашда қатнашганлар 99,61 процентни, Рига шаҳридаги район Советларини сайлашда қатнашганлар 99,56 процентни, посёлка Советларини сайлашда қатнашганлар 99,78 процентни, қишлоқ Советларини сайлашда қатнашганлар 99,87 процентни ташкил қилди.

Депутатликка номзодлар учун овоз берган сайловчилар сони овоз беришда иштирок этган ҳамма сайловчилар сонига нисбатан қуйидагича бўлди: район Советларини сайлашда 99,81 процент, шаҳар Советларини сайлашда 99,81 процент, Рига шаҳридаги район Советларини сайлашда 99,80 процент, посёлка Советларини сайлашда 99,58 процент, қишлоқ Советларини сайлашда 99,69 процент бўлди.

Маҳаллий Советларнинг ҳаммасига жами 23.924 киши депутат қилиб сайланди. Депутатлар орасида 10.853 киши ёки 45,4 проценти хотин-қизлар, 13.989 киши ёки 58,5 проценти партиясизлар, 15.534 киши ёки 64,9 проценти ишчи ва колхозчилардир. Янги сайланган депутатлардан 12.649 киши ёки 52,9 проценти ўтган чақириқ маҳаллий Советларнинг депутатлари бўлмаган кишилардир.

Посёлка Советига сайлов ўтказган битта сайлов округида ва қишлоқ Советларига сайлов ўтказган иккита сайлов округида овозга қўйилган номзодлар овозларнинг мутлақ кўпчилигини олмади ва депутатликка сайланмади. Мана шу сайлов округларида янги сайловлар ўтказилади.

ТОЖИКИСТОН ССР

ДУШАНБА, 19 март. (ТАСС). Республика Олий Советининг Президиуми меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советларига ўтказилган сайловларнинг якунлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар олди.

Меҳнаткашлар депутатларининг Тоғли-Бадахшон автоном области область Советига, 30 та район Советига, 16 та шаҳар Советига, Душанба шаҳрининг 3 та район Советига, 266 та қишлоқ Советига ва 35 та посёлка Советига депутатлар сайланди.

Ҳамма сайловчиларнинг 100 проценти Тоғли-Бадахшон автоном области область Советини сайлашда, 100 проценти район Советларини сайлашда, 99,92 проценти шаҳар Советларини сайлашда, 99,80 проценти Душанба шаҳрининг район Советларини сайлашда, 99,99 проценти қишлоқ ва посёлка Советларини сайлашда қатнашиб овоз берди.

Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз берган сайловчилар овоз беришда қатнашган ҳамма сайловчиларнинг Тоғли-Бадахшон автоном области область Советини сайлашда 99,97 процентини, район Советларини сайлашда 99,93 процентини, шаҳар Советларини сайлашда 99,56 процентини, Душанба шаҳридаги район Советларини сайлашда 99,36 процентини, қишлоқ ва посёлка Советларини сайлашда 99,91 процентини ташкил қилди.

Тожикистон ССРнинг барча маҳаллий Советларига 18.575 депутат сайланди. Шулар орасида 8.079 киши ёки 43,5 проценти хотин-қизлар, 10.021 киши ёки 53,9 процентини партиясизлар, 12.175 киши ёки 65,6 проценти ишчи ва колхозчилардир. 11.034 киши ёки депутатларнинг 59,4 проценти бундан олдинги чақириқ маҳаллий Советларининг депутатлари бўлмаган кишилардир.

Посёлка Советига сайлов ўтказилган битта сайлов округида овозга қўйилган номзод овозларнинг мутлақ кўпчилигини олмади ва депутатликка сайланмади. Бу округда янги сайлов ўтказилади.

ТУРКМАНИСТОН ССР

АШХОБОД, 19 март. (ТАСС). Туркманистон ССРда меҳнаткашлар депутатларининг 28 та район Советига, 14 та шаҳар Советига, Ашхобод шаҳрининг иккита район Советига, 211 та қишлоқ Советига ва 62 та посёлка Советига депутатлар сайланди.

Район Советларини сайлашда сайловчиларнинг 100 проценти, шаҳар Советларини сайлашда 99,96 проценти, Ашхобод шаҳридаги район Советларини сайлашда 99,92 проценти, қишлоқ Советларини сайлашда 100 проценти, посёлка Советларини сайлашда 99,99 проценти қатнашди.

Овоз беришда қатнашган ҳамма сайловчиларнинг 99,86 проценти район Советларини сайлашда, 99,43 проценти шаҳар Советларини сайлашда, 99,05 проценти Ашхобод шаҳридаги район Советларини сайлашда, 99,94 проценти қишлоқ Советларини сайлашда, 99,68 проценти посёлка Советларини сайлашда депутатликка номзодлар учун овоз берди.

Барча маҳаллий Советларга жами 16.583 киши депутат қилиб сайланди. Депутатлар орасида 6.901 киши ёки 41,6 проценти хотин-қизлар, 9.392 киши ёки 56,6 проценти партиясизлар, 10.826 киши ёки 65,3 проценти ишчи ва колхозчилардир.

8.749 киши ёки депутатларнинг 52,8 проценти ўтган чақириқ маҳаллий Советларининг депутати бўлмаган кишилардир.

Қишлоқ Советларига сайловлар ўтказган иккита сайлов округида овозга қўйилган номзодлар овозларнинг мутлақ кўпчилигини олмади ва депутатликка сайланмади. «Туркманистон ССР меҳнаткашлар депутатларининг район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларига сайловлар тўғрисидаги Низом»га мувофиқ, шу округларда янги сайловлар ўтказилади.

ОНАЛИК ШУҲРАТИ

КОСМОС ҚАҲРАМОНИНИНГ ОИЛАСИДА

Вагон завод поселкасига бориб, Леоновларнинг уйи қаерда десангиз ҳар бир киши ҳам сизга Ремонтная кўчасидаги ўнчалик катта бўлмаган икки қаватли иморатни кўрсатиб беради.

Чиройли қора лайча кучук қулоқларини чимириб мени кутиб олди.

— Қўрқманг, қопмайди, бу бизнинг овчи итимиз,— деди остонага чиқиб турган кексароқ новча хотин.

Бу хотин Алексей Леоновнинг онаси Евдокия Минаевна экан. У билан танишиб, ўнчалик катта бўлмаган бир хонага кирдик. Бу оддий ва шинамгина хонада хушбўй мураббо, аччиқ чой ҳиди келиб турар эди. Деворда Алексей Леоновнинг катта фотографияси онаси билан отаси Архип Алексеевич портретининг ёнида турибди.

— Бизнинг ўғилчамиз! — деди Евдокия Минаевна. — Қаранг, шунчалик ўсиб кетибди! Яқиндагина шу хонада чопиб юрган бола эди... Сиз суратда унинг жиддий тусда тушганлигига қараманг. Леша, оқ кўнгил, хушрўй, дилкаш йигит. Суратчи уни мана шундай қилиб суратга туширибди. Сиз альбомни варақлаб карасангиз ҳар бир суратда унинг қувноқ, кулиб турган, хушчақчақ йигит эканлигини кўрасиз. Унинг турмуши бизникидан бошқача. Эски вақтда биз камдан кам кулар эдик.

... Архип Леонов болалик чоғиданоқ Орел атрофида қулоқлар ва попларнинг молини боқиб юрган. Ўспиринлик чоғида батраклик қилган, узоқ жойларга бориб тирикчилик ўтказган. Ўсиб 19 ёшга етганидан кейин эса Донбасса бориб шахтада ишлаган. Бундан бошқа йўл йўқ эди. Отасидан уч ўғилга атиги беш десятина ер мерос бўлиб қолган. Бу билан тирикчилик ўтказиш маҳол. Очлик ва қашшоқлик Леоновларнинг доимий ҳамроҳи бўлган.

Архип ёш уйланган эди. Лекин, ёш келин билан узоқ яшаш унга насиб бўлмади—биринчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Фронт. Рига ёнидаги жанг. Оғир жароҳат. Москвадаги госпиталда узоқ даволанди, шу орада революция ҳам бошланиб кетди. Сўнгра граждан уруши бошланди. Архип Алексеевичнинг омади бор экан — ўзи туғилган Прусинок қишлоғига фронтдан иккинчи марта тирик қайтди. Ўша йилларда Орлов области уларга торлик қилиб қолди. Шунинг учун ҳам Леоновлар Шарқ томондаги бағри кенг ерларга кўчиб кетишга қарор қилишди. Шу тариқа улар 1925 йилда Сибирь ерларига келиб ўрнашиб қолишди.

— Бу ерларда ишимиз юришиб кетди,— деб кулиб қўйди Евдокия Минаевна. — Орлов далигимда кетма-кет бешта қиз туққан эдим. Сибирда эса учта ўғил, бир қиз туғдим. Леша ўртанча ўғлим.

У, 1934 йилда Сибирнинг Листвянка қишлоғида туғилди. Тўққизинчи — охирги ўғлим Борис туғилганидан кейин менга биринчи даражали «Оналик шуҳрати» ордени беришди.

Бола-чақалар кўпайиб кетиб, оиламизга уй сотиб олдик. Бунга ҳам давлат ёрдамлашди. Архип Алексеевич билан шунча катта оилани эплаштириш қаҳчи қийинроқ бўлса ҳам кўнглимиз чоғ эди.

— Калининградга қандай қилиб келиб қолдингиз?

— Шу ерларни обод қилинглар, деб ҳукумат шиор ташлаганлигини эшитиб қолдик. Шундан кейин биз ҳам 1948 йилда бу ерга кўчиб келдик.

...Уйга одамлар тўплана бошлади. Петр Леонов, Любовь, Нина, Надя, уларнинг болалари келишди. Энг кейин оиланинг боши Архип Алексеевич келди. Яқинда у, ўзининг 73 ёшга тўлганлигини нишонлаган бўлса ҳам, аммо заводга тез-тез бориб туради. жамоат ташкилотларининг топшириқларини бажаради.

Леоновларнинг ҳаммаси бакувват, абжир кишилар, улар бетоблик нималигини билишмайди. Улар орасида техниклар, инженерлар, педагоглар, врачлар, денгизчилар, юқори малакали ишчилар бор. Алексей эса академияда ўқийди.

Леоновлар аҳил оила, улар катталарни ҳурматлашни, кичиқларга шафқат билан қараб ёрдамлашишни қонда қилиб олишган. Болалар ҳамма ишда оналарини ўрнак қилиб олишган. Ёшлигида ўқиб тузук савод чиқара олмаган Евдокия Минаевна болалари билан бирга ўқиб, билимдон бўлиб қолди. Савол соҳасида халқ инспектори бўлиб ишлади. Болалар отаонанинг бир-бири билан уришганини асло кўрган эмас, улар ширин сўзлик билан ва меҳнатсеварлик руҳида тарбияланган. Улуғ Ватан уруши йилларида бу оиланинг беш аъзоси, шулар қаторида Архип Алексеевич ҳам ўз меҳнатлари учун медаллар билан мукофотланди.

Леоновлар кўп йиллардан бери оилавий ишларни бамаслаҳат ҳал қилишади. Бундай маслаҳат мажлисида ҳатто кенжатойларнинг фикрига ҳам диққат билан қулоқ солишади. Улар, кўпинча оилада меҳнат билан топилган пулни қандай сарфлашни муҳокама қилиб қўймай. ўзлари ўқиган китобни, кўрган кинофильмни, спектаклни, сиёсий воқеаларни ҳам муҳокама қилишади. Леоновлар ишлаб топган пулнинг қариб олтидан бир қисми театр, кино кўриш, китоблар, газеталар, журналлар сотиб олишга сарф бўлади.

Архип Алексеевич кўпинча ҳазиллашиб, биз «Орел чиптачиларимиз» деб қўяди. Аммо, бу чипта тўқувчилар авлоди гоят талантли кишилар бўлиб чиқди. Леоновлар орасида қобилиятли спортчилар, боғбонлар, гулчилар, музикачилар ва айниқса ҳаваскор рассомлар кўп. Бу ҳунарни Алексей бошлаб берди. Унинг уруш, денгиз жанглари манзарала р и н и тасвирлаган, моҳирлик билан чизган бир неча расмлари ҳанузгача отасининг уйида деворларга осиб қўйилибди. Шу билан бирга Алексей мактабнинг энг яхши спортчиси бўлган, асбоблар, машиналар ясашга қизиққан, рақс тушишда унинг тенги йўқ эди.

Қош қорайиб қолди. Дастурхон ёзилиб, овқат сузила бошланди. Леоновлар мени ҳам овқатга таклиф қилишди. Мен бир нарсага диққатни жалб қилдим: ота-оналар ўз жойларига ўтирмагунча ҳеч ким дастурхон яқинига келмади. Бу оилада катталарга ҳурмат шу қадар катта экан.

Савол беришимни кутгандай бўлиб Евдокия Минаевна гап бошлади:

— Ҳали ҳаммамиз тўпланишганимиз йўқ. Яқинда биз отаси билан олтин никоҳ тўйини ўтказган эдик. Ўшанда бу ерга бола-чақаларимиз бўлиб ўттиз киши тўпланди. Аста-секин кўпаймоқдамиз. Калининграднинг ўзида оиламизга ўнта невара ва тўртта эвара кўшилди.

Леоновлардан бирининг қилган ҳисобига қараганда Совет ҳокимияти йилларида Леоновлар оиласининг меҳнат стажи қариб 250 йилга етибди.

Леоновларнинг уйидан кун бўйи одам аримайди. Қариндошуруғлар, ёр-биродарлар, узоқ яқинлар тинмай келиб туришибди. Алексейнинг собиқ муаллималари, ҳозир пенсияда бўлган Елена Анатольевна Ленская, Мария Ивановна Бессонова, мактаб илмий мудири Ия Александровна Зильберман ҳам келишди. Леоновлар уларни айниқса илиқ кутиб олишди.

Космонавт Алексей Леонов ва унинг жанговар ўртоғи полковник Павел Иванович Беляев тўғрисида ҳамма жойда дувдув гап. Калининградликлар ўзларига ҳамшаҳар бўлган Алексей Леонов халқи ва Улуғ Ватан манфаатлари йўлида қаҳрамонона жасурлик кўрсатаётганлиги билан фахрланмоқдалар.

Б. КОХ,
(ТАСС мухбири).
Калининград.

ДЕНГИЗ ЎҒЛОНИ

ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАР

Орол балиқчилари ҳар йили она-Ватанимизга пландан ташқари неча-неча минг тонналаб балиқ овлаб топширадилар. Колхозлар ва заводларнинг балиқчилари балиқ овлаш билан бирга овланган балиқларни музлатадилар, куритадилар, тузлайдилар. Оролнинг балиғи Қорақалпоғистон Автоном республикасига эмас, бутун Иттифоққа маълум. Оролнинг номини, Мўйноқнинг донгини таратишда юзлаб паҳлавон балиқчиларнинг ҳиссаси бор. Уларнинг хизмати тилларда достон бўлгипти.

Мўйноқдаги «Коммунизм» колхозининг мотофелюга капитани Аяп Назархонов балиқчилар сардори. У 15 ёшида отасига шогирд тушди. Кейин мустақил ишлай бошлади. Устозидан ўтмаган шогирд-шогирдми, деганларидек у кўп ўтмай балиқ овлашда падаридан ҳам ўзиб кетди. Аяп овга бориб келсам бўлди-да, деган қабилда иш тутмади. Оролда хилма-хил балиқлар бор. Балиқлар қайси мавсумда, қаерда бўлишини у яхши билади. У денгиз ўғлони.

— Балиқчилик мураккаб касб, — дейди Аяп Назархонов, — Оролга кириб кетганимизда баъзан шундай кучли шамол турадики, баъзи балиқчиларнинг кўзига балиқ ҳам кўринмай қолади, иш тўхтайди. Мотофелюгани на у ёққа, на бу ёққа юргизишни билмай қоласиз. Қиргоққа чиқиб олиш ҳам мушкул бўлиб қолади. Бунақа қийинчиликларга ҳар-қандай балиқчи ҳам дош беравермайди. Ҳар ким ҳам бунақа «денгиз тўполони»да балиқ овлай олмайди.

Аяп Назархонов балиқ овлаш санъатини ёшлигидан эгаллагани учун об-ҳаво ёмон пайтларда ҳам денгиздан яхши ов билан қайтади. У мунлин ва ойлик топшириқларни ҳамиша ошириб бажаряпти. Иш нормасини зиёда билан бажармаса нўнгли жойига тушмай юради. Жамоат ишларига актив қатнашади, мабодо дўстлари балиқ овлаш топшириқларини бажармаса, ишдан кейин уларга ўз тажрибаларини ўргатади.

**Аяп 1942 йилнинг июнида Совет Армияси сафига чақирилади. Немис фашистларига қарши қаҳрамонона нурашда кўрсатган катта хизматлари учун орден ва медаллар билан мукофотланади. Совет Армиясидан қайтиб келгандан кейин эса яна илгаригидек севган касби — балиқ овлашга берилиб кетади. Уч йил давомида кемада балиқ овлади. У йилига 160-170 центнер ўрнига 280-300 центнер балиқ овлаб берарди. 1950 йилда мотофелюгага ўтиб ишлайди. Аяп оддий мотористлиндан капитан даражасига кўтарилди. У қанча-қанча шогирдлар тайёрлаб чиқарди! Ҳозир уларнинг кўплари мотофелюга капитанлари бўлиб ишлашмоқда

Ёзувчи Уйғун ижодхонасида

Лирик шеърлар

ШЕЪРИЯТ ЯШАЙДИ

Шеърият севгининг
ифодасидир,
Шеърият яшайди севги бор
экан.
Шеърият яшайди токи азалдан
Инсон юрагида севги ёр экан.
28 февраль 1963 йил.

ҲАР БИР ЯЛТИРАГАН НАРСА ЎТ ЭМАС

Ҳар бир ялтираган нарса ўт
эмас,
Шиша синиғи ҳам ялтирар
нурда.
Фарқ қилар оловдан ялтироқ
шиша,
Фарқ қилгани каби тириндан
мурда.
8 март 1965 йил.

ТОМЧИ

Шеърнинг кичик, ўқиб
қонмадим, —
Дединг, томчи чанқоқни босмас.
Сўзинг хато, гап ҳажмдамас,
Кичик бўлур олтину олмос.
Томчилардан яралар денгиз,
Атом қучи томчига йўлдош.
Томчиларнинг маъноси тенгсиз,
Бир томчида анс этар қуёш.
23 декабрь 1964 йил.

СЕВГИНГНИНГ ЎЛЧОВИ

Ҳар нарсанинг ўз ўлчови бор,
Молга қараб қўйилади тош.
Нима билан ўлчардинг,
дўстим,
Тарозига қўйилса қуёш?
Агар ўлчаш лозим бўлганда
Тош бўларди қуёшга қуёш.
Севгини ҳам ўлчамоқ учун
Фақат севги бўла олур тош.
22 декабрь 1964 йил.

ҲАЙКАЛТАРОШ

Ерда ётган оддий тош эди
Ҳайкалтарош қўли теккунча.
Ниҳон эди тошда гўзаллик
Ҳайкалтарош йўниб, чеккунча.

Дағал тошдан нозик ва гўзал
Венералар пайдо қилди у.
Гўзалликкка, тошдан яратган,
Инсонларни шайдо қилди у.

Идроқ, даҳо, инсон қучига
Ҳеч бир нарса бера олмас дош.
Ҳайкалтарош қўли текканда
Санъатга айланур оддий тош.
26 декабрь 1964 йил.

ИНЖУ ВА КЎПИК

Денгизнинг остида ётади инжу,
Кўпик эса денгиз устида доим.
Кўпик юзага чиқ! — дермиш
инжуга,
Инжу дермиш: денгиз бағрида
жойим!

Инжудан гўзалман деярмиш
кўпик,
Қуёшнинг нурида товланиб,
ёниб.
Қадрим, қимматим зўр дунёда
менинг,
Инжудан баландман, дермиш
мақтаниб.

Қанча мақтанчасин кўпикдир
кўпик,
Лип этиб ёнади, лип этиб учар.
Вазмин йўқ, енгил, денгиз
устига —
Енгил ўрнашади ва енгил
кўчар.

Елдан мадад олиб денгиз
бетида,
Оқ чечак отса ҳам кўпикдир
кўпик!
Олтинга айланиб қуёш нурида
Кўзни ўйнатса ҳам кўпикдир
кўчик.

Дунёда инжу ҳам, кўпик ҳам,
шаксиз,
Узига яраша ўрин олади.
Денгиз тинчидими, шамол
тиндими
Кўпик йўқолади, инжу қолади.
28 февраль, 1965 йил.

ҚАЛБИМДА БАҲОР

Элликкка кирганда оқарди сочим,
Олтмишга кирганда айланди
қорга.
Аммо қарилликни билмас
кўнглимни
Қиёс қилса бўлур гўзал баҳорга.

Юзларимда ажин, сочларимда
қор,
Ва лекин қалбимда ҳамиша
баҳор.
23 декабрь 1964 йил.

ЧЕЧАКЛАР ТЕРСАК

Демьян БЕДНИЙГА

Шеърий жавҳарларнинг олдида
олтин,
Оддийгина маъдан, бир темир-
терсак.
Безаган бўлардик шеърий
чаманни
Унинг бўстонидан чечаклар
терсак.
6 март 1963 йил.

Шоир ва драматург Уйғунининг оташин, қувноқ, равон ва ҳаётбахш лирикаси салкам қирқ йилдан буён шеърият ихлосмандларини мафтун этиб келади.

Севги ва бахт, дўстлик ва табиат, Ватан ва халқ куйчиси Уйғуннинг гўзал ва дилрабо шеърлари, ажойиб поэмалари адабиётимиз хазинасида ўзига хос услуб ва бўёқ, ҳаяжон ва улуғворлик билан жаранглайди. Шоирнинг жуда кўп лирик шеърлари, «Жонтемир», «Украина еллари», «Вафо» каби достонлари поэзиямиз бойлигини намойиш қиладиган серзавқ, умри узоқ асарлардирки, уларни қайта-қайта ўқиб, тўлқинланади, киши.

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Уйғун саҳна асарларининг мастери сифатида ҳам кенг танилган. Драматургнинг «Алишер Навоий» тарихий шеърий драмаси (И. Султон билан бирга ёзилган) саҳна санъатимизнинг классик асаридир. Драматургнинг «Навбаҳор», «Олтин кўл», «Ҳаёт қўшиғи», «Ҳуррият» каби асарлари ҳам томошабинларимизга манзур бўлган.

Сўз санъаткори Уйғун бу йил 60 ёшга тўлади. Аммо ёзувчи навқирон қалб билан Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллиги ва улуғ доҳий В. И. Ленининг туғилганига 100 йил тўлишига бағишланган янги-янги асарлар устида иш олиб бормоқда.

Халқимиз ва адабиётимиз олдидаги катта хизматлари учун СССР Олий Совети Президиумининг 1965 йил 1 март Фармонига биноан, шоир Уйғун «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди.

Ҳурматли шоиримиз, олижаноб, улкан ишингизда Сизга соғлиқ ва жўшқин илҳом орзу қиламиз!



ҚОРАҚАЛПОҚ ХОТИРАЛАРИ

ГУЛСАНАМ

Мен Гулсанамни кўрган эмасман. Аммо Гулсанам номи тилга олинганда, кўз олдимда гўзал, қувноқ, серғайрат, ишчан, чечан ёш жувоннинг сиймоси пайдо бўлади. Мен Гулсанам билан ҳеч вақт сўзлашган эмасман, аммо қулоқларим остида хушчақчақ, навқирон аёлнинг қўнғироқдай овози, шўх қаҳқаҳалари эшитилиб турагандай бўлади.

Мен ҳар сафар Хўжайлига келганимда, Қорақалпоғистоннинг Ойимхон Камолова, Омонгул Сафарова каби донгдор аёллари, моҳир механизаторларини тилга олганимда, Гулсанам ёдимга тушади, ҳаёл мени узоқларга, ўтмиш сари олиб кетади ва Гулсанамни ўйлайман.

Ўттизинчи йиллари Хўжайли атрофидаги колхозлардан бирида Гулсанам деган ёш аёл донг чиқарди. У ўзининг жонкуярлиги, диловарлиги, ғайрати, шижоати, ишга моҳирлиги, одамларга меҳрибонлиги билан эл муҳаббатига сазовор бўлди. У ўз дугоналари, ёшлар, комсомолларнинг саркардаси сифатида эскилик қолдиқларига, колхоз тузуми, хотин-қизлар озодлигининг душманларига қарши аёвсиз кураш олиб борди ва бу курашда доим зафар қозониб келди. Бу ёниқ қалб, чарчамас идрок эгасининг ширин орзулари, умид-армонлари кўп эди. Балки у Аму қиргоғида ўтириб келажакда олима бўлишни, врач бўлишни, агроном бўлишни, инженер бўлишни ўйлагандир. Балки, у, қорақалпоқ халқ достонларининг афсонавий қаҳрамонлари сингари Аму тўлқинларида кокилини ювгандир, Қорақум бўронларига кўкрак кериб табиатнинг омонсиз ҳужумидан лаззат олиб, сабоқ олиб тургандир. У, ойдин кечаларда юлдузларнинг жамолига тикилиб, ҳаяжонга тушиб муҳаббат ҳақида ҳам ўйларди. У бир йигитга кўнгил бериб турмуш ҳам қурди, аммо севгилим, дўстим, умр йўлдошим деб ўйлаган одам қўрқоқ, бевафо, виждонсиз, қотил бўлиб чиқди.

Гулсанам колхоз даласида жон куйдириб ишлар экан, машина, тракторларнинг овозига қулоқ солишни яхши кўрар, тракторчи йигитларнинг ишига ҳаваси келар эди. Нима учун йигитлар минган машинага, тракторга биз, аёллар минолмаймиз? Нима, тракторни фақат эркакларга чиқарганми? Ҳуқуқда хотин-қизлар эркаклар билан баравар дейميز. Бу бараварликни огизда, қоғозда эмас амалда, ишда исбот қилиш лозим. Машинада фақат эркакларгина ишласин, аёлларга қўл меҳнати ҳам бўлаверади дейдиганлар ҳато қилади. Аёллар ҳам техникани эгаллаши, тракторга миниши керак. Чунки, бундан бўёқ тараққиётимиз илму-фанга, техникага боғлиқ. Аёллар техникани эгалланг, қизлар трактор, пўлат отларга мининг, деб шиор ташлаш керак! Аммо ёлғиз шиор билан иш чиқармикан? Техникани амалда эгаллаб кўрсатиш яхши эмасми? Ҳа, мен аввал ўзим техникани эгаллайман, тракторчи бўламан, тракторга миниб ўн киши, йигирма кишининг ишини бир ўзим бажараман деб юрган мақтанчоқ йигитларни ижтимоий мусобақага чақириб ютаман, ёнбошини ерга теккизиб қўяман, ана ўшандан кейин қизлар орқамдан эргашади, ана ўшандан кейин аёллар ҳам техникани эгаллайди, техника билан дўст бўлади! — Бу хаёллар Гулсанамнинг бошидан тез-тез ўтиб турарди. Ниҳоят у бир кун қатъий қарорга келди. Дугоналари билан маслаҳатлашдию, раиснинг олдига борди. Мени Тўрткўлда очилган тракторчилар курсига юборинг, тракторчи бўлмоқчиман, деб илтимос қилди. Раис аввал ҳайрон бўлди, ишонмади:

— Ҳазиллашаётганингиз йўқми, Гулсанам?

— Бундай жиддий масалада ҳазиллашиб бўладими, — деди Гулсанам.

Раис Гулсанамнинг жиддий юзига боқиб, қарори қатъий эканига ишонди. Аммо мулоҳазасини давом эттирди:

— Қайдай бўлар экан... аёл киши трактор... Ҳали овулимизда ҳеч бир аёл тракторга минган эмас...

— Мен минмоқчиман!

— Трактор оғир, эркак одамнинг иши... трактор эркакка яраша...

— Мен шу уйдирма ақидаларни пучга чиқармоқчиман, ҳурматли раис! Нима дейсиз, илтимосимни қондирасизми? Е райкомга борайми? — деди. Гулсанам гапни тугатмоқчи бўлиб.

— Нега райком дейсиз? — раис чўчиди, — райкомсиз ҳам ҳал қила берамиз... Нима ҳам дедик, биз жавоб берамиз, аммо эрингиз жавоб берармикан? — деди маъноли қилиб раис ва мийнигида кулиб қўйди.

— У ёғи билан ишингиз бўлмасин!

Гулсанам, эрининг ва баъзи қари-қартанг қариндошларнинг сўзига қарамай Тўрткўлга, 3 ойлик тракторчилар тайёрлаш курсига бориб, курсни аъло битириб қайтди. Ҳа демай колхозда моҳир трактор чи бўлиб ном чиқарди. Аввал Гулсанамдан кулиб юрган эркаклар кулмайдиган, жиддийроқ ўйлайдиган, Гулсанамга ҳурмат кўзи билан қарайдиган бўлиб қолдилар.

Аммо янги ҳаёт, колхоз тузуми, хотин-қизлар озодлигининг ёвлари тек ётишгани йўқ. Улар заҳарли илон бўлиб эрнинг қулоғига шивирлай бошладилар: хотининг сендан ўзиб кетди, хотининг баландда, сен пастдасан, хотининг бегона йигитлар билан ёнма-ён, кечалари ҳам трактор ҳайдайди, хотининг урф-одатга қарши борди, хотининг йўлдан озди, хотининг бузуқ, уни ўлдир, савоб бўлади, дейишди. Руҳонийлар, эски ҳаёт саркитлари, янгилик душманларининг ингларига лаққа тушган нодон, бе юрак, виждонсиз эр Гулсанамнинг пайига тушди. Бир кун эри Гулсанамни ўлдириб сувга ташлай деб, Аму ёқасига олиб борди. Аммо қўйин кўрқди, ботинолмади. Гулсанамнинг гўзал юзига, қора сочларига, унинг кўзларида ўйнаб турган шодлик, бахт нурларига қараб ёмон ниятидан қайтди. Аммо ўлдириш керак! Ўлдирмаса ўзини ўлдирадилар! Шундай деб огоҳлантириб кўйганлар! Хўш, нима қилиш керак? Қандоқ қилиб ўлдириш лозим.

Ёз эди. Кунлардан бир кун. Гулсанам ишдан чарчаб қайтиб ҳовлидаги супада ухлаб қолди. Ким билади шўрлик балки сўнгги бор туш кўраётгандир. Тун оғиб, эл ухлаганда эри кириб келди. Маст уйқуда ётган Гулсанамнинг бошига келиб узоқ тикилиб турди. Ҳозир пайти, ҳозир ўлдириш керак, деган шум фикр қотилнинг бошидан ўтди. Бориб эшикни занжирлади. Сесканиб уйғонган Гулсанам аввал ҳеч нарсага тушунмади, шошди, қотил ўзининг шум мақсадига эришди. Гулсанамнинг юраги уришдан тўхтади.

Мен 1932 йили юз берган бу даҳшатли воқеани 1962 йили Хўжайлига келганимда эшитган эдим... Ўшандан бери, Қорақалпоққа, Хўжайлига қачон бормай Гулсанам ёдимга тушади...

Гулсанам йўқ, аммо унинг номи эл оғзида достон, ўз ҳаёти, ўз қони билан янги турмушга, бугун пахта майдонларида пўлат арғимоқларни гижингилатиб юрган беҳисоб моҳир механизатор аёлларнинг шарафли меҳнатига йўл очиб берган ва бугун афсонавий қаҳрамонлардан бирига айланган Гулсанамнинг номи, хотираси, муҳаббати ва ҳурмати халқ қалбида мангу яшайди.

□ □ □

МАЗЛУМХОН АФСОНАСИ

Хўжайлига яқин ерда Мазлумхон (баъзилар Ноғлимхон дейишади) номли ёдгорлик мақбара бор. Ҳозир мақбаранинг ярим ҳаробаси қолган. Пишган гиштга ингичка, нозик ферузе ранг сопол қадаб нақш солинган бу ажойиб ёдгорлик ўзига хос гўзаллиги, ҳашами билан кўрганларни ҳали ҳам ҳайратга солади.

Мазлумхон ҳақида эл орасида юрган турли ҳикоялар, афсоналар бор эмиш.

Қадим замонда, Қорақалпоқда Ноғлимхон деган бир гўзал бўлган экан. Гўзалнинг донги чор-атрофга, шу жумладан Хивага ва Хива хонига ҳам бориб етибди. Золим хон Ноғлимхон сулувни ҳам канизак қилиш учун совчи юборади. Ўзига тенг, диловар барно йигитга кўнгил берган Ноғлим хонга чўри бўлишни истамайди. Мағрур гўзалнинг рад жавобидан ғазабланган хон Ноғлимхон элини сувсизлик балосига гирифтор қилиб, ташналикда қалок этмоқ учун, неча минг одам ёллаб, неча ой деганда Аму дарёни бўгди.

Шунда эл улуғлари йиғилиб маслаҳат қилишади. Биров ундай дейди, биров бундай, яна биров:

— Сувсизлиндан эшнилар қурийди, қаҳатчилик бошланади, эл ҳароб бўлади, агар Ноғлимхон элини севса, ўзини қурбон қилиши, хонининг ҳарамига бориши, юртни ҳалокатдан қутқариши керак, дейди.

Аммо юртда ўз донишмандлиги билан донг чиқарган бир мўйсафид бошқа фикр айтади:

— Ҳа, эл ҳам ҳалокатга учрамасин, Ноғлимхон ҳам қурбон бўлмасин, шунга илож топиш керак. Бунинг учун янги қулунлаган уч юз ёш бия тўплансин. Бир жойга биянинг қулунини, қулундан нари кўз кўрадиган, овоз эшитадиган узоқликда бия бойлансин. Элдан то Хивага қадар шу тартибда қулун, бия бойланиб борилсин. Ноғлимхон Хива хонининг ўрдасига бориб: хон, сенга канизак бўлишга кўндим, аммо бир шартим бор, аввал дарёни очиб эски изига солсан, элим ташналикдан халос бўлсин, сўнг мен ҳарамингга кираман, десин. Хон Ноғлимнинг шартига кўниб дарёни очгандан сўнг Ноғлим биринчи бияга миниб элга қочади, узоққа бойланган боласини соғинган бия чопганда уни ҳеч қандай юғрик ҳам қувиб етолмайди. Шу тарада Ноғлимхон биядан бияга миниб ёвга тутқимай элга қайтади. Хон дарёни қайтадан бўггунча эл гамини еб олади.

Шу тарика, донишманд чолнинг ақли билан, ҳаҳрамон Ноғлимхон Хива хонига пенд бериб кетган экан.

Балки Ноғлимхон афсонаси бошқачадир, балки мен тўла ва дуруст айтолмагандирман, бунинг учун қорақалпоқлик дўстларим мени кечирар, аммо шу тарода ҳам бу афсона менга жуда мақбул бўлди.

ПЬЕСАДАН ПАРЧА

ОЛТИНСОЙ

Драматург Уйғун яқинда «Қотил» номли пьеса ёзди. Асар замондошларимиз ҳақида. Унда меднцина ходимларининг олижаноб ишлари тасвирланади ва шу билан бирга баъзи бир ўз ишига совуқ, расмиятчилик билан қарайдиган худбин одамларнинг кирдикори фош этилади.

Пьесани яқин муддатда «Ҳамза» номли академик театр томошабинларимизга кўрсатади.

Қуйида пьесадан парча босамиз.

БИРИНЧИ ПАРДА

Гулюзларнинг ҳовлиси. Ёз, ҳаммаёқ гуллаган. Ўртада, гулзор орасида тўқима стол ва стуллар қўйилган.

Тўғрида ўй, чап томонда боғ, ўнг томонда кўчага чиқадиган эшик. Боғ томондан музика эшитилиб туради.

Богдан Гулюз билан Раъно чиқади.

Гулюз. Яна, пича ўтиринг, ҳали эрта-ю.

Раъно. Раҳмат. Вақтлироқ бориб грим қилишим ва бир оз дам олишим. Ўзимга келишим керак. (Кулиб) Артистликнинг даҳмазаси кўп бўлади. Бугун спектаклга чет эллик меҳмонлар ҳам келишармиш. Жиддийроқ тайёрланиш лозим.

Гулюз. Мен ҳам мактабда ўқиб юрганимда артист бўлишни ҳавас қилардим.

Раъно (кулиб). Кейин, артистликнинг баҳридан ўтдингизу врач бўлдингиз.

Гулюз. Аммо санъатга бўлган муҳаббатим сўнган эмас... Дилижоним санъат. Ўзим ҳам монолог ўқишни яхши кўраман... (кулиб) тўғри, сизчалик ёқимли қилиб ўқиёлмайман... Аммо ўқийман. Баъзан, дастлабки орзудан воз кечиб, врач бўлиб ҳато қилмадиммикан, деб ҳам ўйлаб қўяман.

Раъно. Мен эса аксинча... Ёшлигимда врач бўламан деб юриб, артистка бўлиб кетдим... Балки мен ҳам...

Гулюз. Йўқ, йўқ. Сиз фақат санъат учун, саҳна учун туғилган аёлсиз... Сиздаги овоз, сиздаги истеъдод ҳаммада ҳам бўлавермайди, опажон! О, сиз бахтиёрсиз! Сиз саҳнамизнинг, санъатимизнинг фахрисиз! Ҳамма сиздан миннатдор... Ҳамма сизга маҳлиё. Мана, ҳатто чет эллик меҳмонлар ҳам келиб санъатингизни томоша қилади.

Раъно. Мақтовимни жуда ошириб юбордингиз. Ғиналик эмас... Меҳмонлар фақат мени кўриш учунгина келишмайди...

Гулюз. Спектаклда бош ролни сиз ўйнайсиз. Бинобарин, ҳаммаларнинг эътибори сизда бўлади... Йўқ, сиз жуда катта санъаткорсиз! Санъатингиз билан одамларни хурсанд қиласиз, уларга завқ берасиз. Одамларни хурсанд қилиш эса катта бахт!

Раъно. Кошки ҳамма ҳам санъатга ва санъаткорларга шундай деб қараса. Санъатни эрмак деб билиб, санъаткорларга ёмон кўз билан қарайдиганлар ҳам бор...

Гулюз (кулиб). Ишқи йўқ эшак, дарди йўқ кесакларга эътибор бермаслик керак, (кулишади). Сиздай ҳақиқий санъаткорларни ҳамма севади.

Раъно (маъюс). Ғойиб акангиздан бўлак...

Гулюз. Вой, бу нима деганингиз? Шундай ажойиб врачнинг рафиқаси ҳам эридан нолийдими?

Раъно (жилмайиб). Ҳазиллашдим. Бугун спектаклда кўтаринки руҳ билан ўйнашим керак... Сиз қалбимга нур қуйгандек, кўнглимдаги ғашликни қувиб чиқаргандай бўлдингиз! Раҳмат, Гулюзхон!

Гулюз. Яна битта илтимос!

Раъно. Хўш?

Гулюз. Яна битта монолог айтиб берасиз.

Раъно (кулиб). Бўгда жуда кўп айтдимку. Жонингизга тегмадими?

Гулюз. Йўқ. Сизни қанча эшитсам шунча роҳат қиламан. Бўгда ҳаммага айтиб бердингиз. Энди ўзимга, якка ўзимга айтиб берасиз.

Раъно (кулиб). Бобонгизга жуда ёқиб қолдим чамаси, атрофимдан кетолмай қолдилар. Қайта-қайта мусаллас тутиб илжайиб қарадилар.

Гулюз (кулиб). Бобом ёшлигида жуда шўх ўтган эканлар.

Раъно (кулиб). Ҳали ҳам шўхлик қилгилари бор, чамамда.

Гулюз. Сиздаги қадди-қомат, сиздаги латофат кимни ҳам маҳлиё қилмайди дейсиз! Агар йигит бўлсам мен ҳам пайингизга тушардим.

(Иккови ҳам қотиб кулади).

Раъно (кулгидан тўхтаб). Нимани айтиб берсам экан? Биладиган монологларимнинг ҳаммасини айтиб бўлдим.

Гулюз. Майли, ҳеч бўлмаса битта шеър. Ўзингиз яхши кўрадиган шеърлардан биттасини ўқиб беринг!

Раъно (пича ўйлангач, ўқийди).

Аввалам бор севмагил эди
Ўзингни ҳам мени ҳам қийнаб.
Боқма эди ўтларга ёқиб,
Қўйма эди лабларимга лаб.
Энди билсам бошқа муҳаббат
Ва бошқа ёр ислаб қолибсан.
Яна қанча содда дилларнинг
Юрагига оташ солибсан.
Лекин шуни яхши билгилки,
У, сендаги муҳаббат эмас.
У, бевафо юранда ётган
Оддий бир ҳис, оддий бир ҳавас.
Шунинг учун севги номини
Тилга олма иккинчи карра!
Шунинг учун севги жомига
Лабларингни теккизма зарра.

Гулюз. О, офарин! Офарин! Раҳмат, опажон раҳмат! Олтинсойда ҳам шу ажойиб шеърни ва шу ажойиб шеърни менга ўқиб берган ажойиб санъаткорни ва унинг ёқимли, ажойиб овозини завқ билан эслаб юраман! Раҳмат.

Раъно (сумкасини олиб пул ахтаради). Майдам бор эди чамаси... Ўйда қолдимикан? (Ғамгин кулиб) Ана холос, ҳали театрга ёёв бораман шекилли, трамвайга ҳам пул йўқ...

Гулюз (ишонмай.) Йўғэ!..

Раъно. Ҳазили йўқ... Зарарсиз, кўп вакт шёёда юриб ўрганиб қолганман...

Гулюз. Шошманг, менда бор, кетмай туринг... Мен, ҳозир. (Ўйга кириб кетади).

(Богдан қўлида кўза, Ҳотам чиқади).

Ҳотам. Ҳа, келин, қаёққа?

Раъно. Кетаётибман, бобо, ишим бор.

Ҳотам (ҳазиллашиб). Бизни ташлаб-а?

Раъно (кулиб). Иложи йўқ.

Ҳотам. Э, аттаси... Битта мусаллас қўйиб берайми, кетар жафоси қилиб?

Раъно. Раҳмат, бобожон, ичмайман.

Ҳотам. Энди, сизга атаб, Олтинсойдан гул, мева юбориб тураман.

Раъно (кулиб). Овора бўлманг, ҳожати йўқ.

Ҳотам. Оворагарчилиги йўқ, сиз учун бошимга мева солинган саватни қўйиб яёв боришга ҳам тайёрман.

(Раъно кулади. Богдан папиросини бурқситиб, ширакайф Ғойиб чиқади).

Ғойиб (ковоғини солиб). Бобо, сизни чақиришаётибди.

Ҳотам. Хўп, келиб, омон бўлинг, умрингиздан барака топинг! Раҳмат. (Ғойибга хўмрайиб қараб, боққа кириб кетади).

Ғойиб (хўмрайиб). Ҳали ҳам шу ердамисиз, хоним?

Раъно. Ҳозир кетаман... Сумкамда пул бор эди...

Ғойиб (сўзни бўлиб)... Ҳа, мен олдим. Сумкангизнинг ичидан битта-яримта, навбатдаги ошқнинг ҳат-пати чиқиб қолармикан, деб титувдим. Ҳат эмас, пул чиқди. Унча-мунча пул эмас, беш сўлкавой! Мояна олганингизда оқизмайтомизмай, бир тийинни ҳам бекорга сарф қилмай, яширмай олиб келиб беринг деб неча маротаба айтдим? Пул зарурлигини, харажатим кўплигини биласизку?!

Раъно. Яширганим йўқ. Трамвайга керак бўлар деб...

Ғойиб (сўзни бўлиб)... Трамвайга олтин тийин етади! (Ёнидан майда чиқариб узатади). Мана, боришингизга уч тийин, келишингизга уч тийин.

Раъно. (маъюс). Пича упа, совун олмоқчи эдим...

Ғойиб. Ўйда кир совун бор, бўлади. Ироқи совунда юз ювиш шарт эмас! Ундан кейин упа-элликсиз ҳам хуснингиз жойида, хоним! Упа-эллик қўймасангиз ҳам хушторларингиз камаймайди!

Раъно. (хафа) Ахир томошабинлар ҳурмат қилиб...

Ғойиб (сўзни бўлиб)... Хат ёзсалар, гул берсалар... телефон қилсалар!.. (Папиросини гижимлаб ерга уради).

Раъно. Санъаткор бўлганимдан кейин...

Ғойиб. Нима қилсам ихтиёрим, демоқчимисиз?

Раъно (заҳарханда билан). Отелло!

Ғойиб. Сиз ишлатган хийла-найранглари Отелло эшитса, дунёда иккинчи бор қон тўкиш учун ғўрдан тирилиб чиқарди.

Раъно (ўпкали). Ундай экан нимага артисткага уйландингиз?!

Ғойиб. Бутун фожиа шунда! Бир дўстим, артисткаларни узоқдан, саҳнадан кўриш яхши, улар билан турмуш қуриб бўлмайди, деган эди. Авлиё экан!

Раъно (газаб билан). Ўша авлиёнгизга айтиб қўйинг, мен ҳеч кимнинг қўлидан ушлаб турганим йўқ!

Ғойиб. Қани, жўнаб қолинг! Иш жанжалга айланмаси! Қолган гапни уйда гаплашамиз!

(Раъно йиғлагундек бўлиб кетади. Уйдан ғамгин Гулюз чиқади).

Гулюз. Қулоқларимга ишонмайман.

Ғойиб. Эшитдингизми?

Гулюз. Бахтга қарши... Мен сизни... Мен сизни... бунақа одам деб ўйламас эдим.

Ғойиб (Гулюзнинг сўзини бошқача тушуниб). Ҳа, ҳамма мени сиртдан қараб яхши врач, яхши педагог, бахтиёр деб ўйлайди. Аммо менинг юрагимда, менинг оиламда нималар, қандай даҳшатлар юз бераётганини ҳеч ким билмайди.

Гулюз. Мен бу ҳақда эмас, паришталек пок аёл, катта санъаткорга нисбатан шунчалик дағал муомала қилганингизни айтаётибман.

Ғойиб. Хўш, борди-ю, сиз эркак бўлсангиз-у, хотинингиз саҳнада, ҳамманинг кўз олдида, бегоналар билан қучоқлашса, ўпишса, чидаб тура олармидингиз?

Гулюз. Ҳа, ахир артистка бўлгандан кейин ўйнайди-да!

Ғойиб. Чиқданига-я! Ҳолатга кириб-а!

Гулюз. Ахир артист ҳолатга кирмаса образ яратилармиди, санъат туғилармиди?

Ғойиб. Саҳнада аҳвол шу-да, саҳна орқасида нималар юз беради, худо биладi!

Гулюз. Бу шубҳалар сизни телба қилиши мумкин.

Ғойиб. Ҳали ҳам телбаман! Бу аёл мени телба қилди... Асабларим тилка-пора... Ўйин тугаб кўчага чиққанда ҳамма уни қуршаб олади, хушомад қилади, қўлини сиқиб миннатдорлик билдиради... Гул тутади. Ҳатто баъзилар уйгача кузатиб ҳам қўяди.

Гулюз. Жуда яхши. Санъаткорга ҳурмат. Хотинингизга бўлган шунчалик ҳурмат билан фахрланишингиз керак.

Ғойиб. Сизга яхшидир, аммо, менга азоб! Ўйда ҳам тинчлик йўқ. Тинмай телефон жиринглайди. Аллакимлар телефон қилади. Трубкани ёлсам хотинимни сўрайди. Йўқ, бу даҳшат! Ажралиш керак!

Гулюз. Болаларингиз нима бўлади?

Ғойиб. Болалар эсини таниб қолган, йўлини топиб кетаверади. Нафақагина бериб турсам бўлгани!

Гулюз. Болаларга фақат нафақагина эмас, ота меҳри ҳам керак!

Ғойиб. Она меҳри етиб ортади, ота меҳрига муҳтож эмаслар.

Гулюз. Мулоҳазаларингиз бир-биридан ғунук! Бир-биридан даҳшат!

Ғойиб. Ҳа, шунақа, ҳамма менга таъна қилади. Мен ҳаммага керакман. Касаллар мендан шифо талаб қилади, қариндошлар пул! Мени зулукдек сўришади, мендан фойдаланишади! Аммо менга тарифа ҳам фойда етказишмайди! Ҳеч ким! Суянай десам ҳеч кимим йўқ! Яккаман... Энди суянчиқ топдим деганда ундан ҳам ажраладиганга ўхшайман. Сиз биласиз...

Гулюз (безовта). Нимани?

Ғойиб. Суянчиқ деб кимни айтаётганимни... (Гулюз истиробла ерга қарайди). Институтда дарс берган вақтларимда, сизга бўлган муомилаларимдан, кўз қарашларимдан ҳеч, нарса англамагандингиз, жонгинам?

Гулюз (ҳаяжонда). Боққа кирайлик, меҳмонлар ёлғиз қолди. (Кетмоқчи бўлади).

Ғойиб. (Гулюзнинг йўлини тўсиб). Шошманг! Ўзим-кесил гаплашадиган вақт келди. Ҳозирга қадар имо-ишораларимга имо-ишоралар билангина жавоб бериб келдингиз...

Гулюз. Мен сизни ўқитувчим деб ҳурмат қилардим...

Ғойиб. Энди вазият ўзгарди... Сиз институтни тамомладингиз, энди барзармиз, мен ҳам врач, сиз ҳам врачсиз...

Гулюз. Беш йил дарсингизни тинглаган бўлсам ҳам кимлигингизни яхши билмаган эканман.

Ғойиб. Ўзимни сизга яқин кўриб, дилимдаги гапларни очиқ айтиб гуноҳкор бўлдимми?

Гулюз. Йўқ, яхши бўлди! Кеч бўлса ҳам кимлигингизни аниқроқ билиб олдим...

Ғойиб. Мендан ҳазар қилманг. Дунёда сиздан бўлак илинжим қолмади.

Гулюз. Ўтинаман!

Ғойиб. Бундан кейинги ҳаётимни сиз-сиз тассавур қилолмайман, жонгинам!

Гулюз (ҳаяжонда). Илтимос қиламан, бундай гапларни иккинчи гапирманг!

Ғойиб. Сизга бўлган муҳаббатимнинг зўрлигидан бўлса керак, сизни ўйласам хотиним кўзимга алвасти бўлиб кўринади.

Гулюз. Бу сўзларни айтишга тилингиз қандоқ боради?

Ғойиб. Гулюзхон...

Гулюз. Шунчалик беандишамисиз?

Ғойиб (Гулюзнинг қўлидан ушлаб). Олтинсойга борман!

Гулюз. Бораман, қарорим қатъий!

Ғойиб. Шаҳарда қолинг, ўзимга ассистент қилиб олай, тегишли жойлар билан гаплашиб қўйганман. Ўжарлик қилманг! Шаҳардан қишлоққа кетиш осон, аммо қайтиб келиш қийин!

Гулюз. Қайтмайдиган бўлиб кетяпман.

Ғойиб. Сизга Олтинсойнинг нимаси ёқиб қолди?

Гулюз. Одамлари! Табиати!

Ғойиб. Адашасиз, номи Олтинсой бўлса ҳам ўзи жаҳаннам! Тўрт томонини тоғлар ўраб олган қудуқ! Қолоқ қишлоқ!

Пишган (заҳарханда билан). Қолоқ бўлса шаҳарга тез-тез келиб маданиятимизни ошириб турармиз! Ораси яқинку, кўриниб турган тоғдан ошдингиз, нарёғи Олтинсой! Машинада уч соатлик, самолётда эса йигирма, ўттиз минутлик йўл, холос!

Ғойиб. Ёзда яқин, қишда узоқ! Ёзда ники довон ошиб борилади, қишда эса йўл тамом бекилади. Уч ой қишда Олтинсой дунёдан узилиб қолади!

Гулюз. Узилмайди, самолёт бор, вертолёт бор!

Ғойиб. Тоғ бошига туман тушиб, булут чўкканда, қор бўронлари авжига чиққанда, самолёт турсин, қуш ҳам учолмайди!

Гулюз. Ҳаммасидан хабарим бор!

Ғойиб. Нима, романтика ахтармоқчимисиз? Қаҳрамонлик кўрсатмоқчимисиз?

Гулюз. Ишламоқчиман, холос! Ахир, қаердадир ишлашим керак-ку!

Ғойиб. Ўсаман десангиз, шаҳарда ишланг!

Гулюз. Шаҳарда менсиз ҳам врачлар кўп. Мен врачлар оз, врачларга эҳтиёж кўп бўлган ерда ишламоқчиман!

Ғойиб (истеҳзо билан). Ватанпарварлик!

Гулюз. Ҳа, ватанпарварлик ёмон нарсами?

Ғойиб. Аввал кўкрагига уриб, узоқ қишлоқларга бориб халққа хизмат қиламан деб, кейин қочиб келган ватанпарварларни, қаҳрамонларни кўп кўрганмиз!

Гулюз. Бу гапларнинг менга алоқаси йўқ!

Ғойиб. Ҳали ёшсиз, ҳали ҳаётнинг ачиқ-чучугини тотиб кўрганингиз йўқ. Вақти келиб, пешанангиз деворга тақ этиб тегиб, кўзингиз очилганда менинг сўзларимни эсларсиз... Ўшанда аҳволингизга ачинадиган яна ўзим бўламан.

Гулюз. Хотиржам бўлинг, ачинишга ўрин бўлмас деб ўйлайман... (орага жимлик чўкади. Ғойиб ҳовлидан гул дасталайди).

Ғойибнинг овози. Етилиб пишиб турган қизил олмани узолмайдиганга ўхшайман... Қўзичоқ қўлдан кетди, чамаси.

Гулюзнинг овози. Худди оч бўрига ўхшайди... ушласаю еса...

Ғойибнинг овози. Бир кун, бир кеча бирга бўлсам, роҳат қилсам, дунёдан армонсиз ўтардим.

Гулюзнинг овози. Бошда фаришта бўлиб кўринган бу киши одамлар севгисини, кишиларнинг умид-орзуларини оёқ ости қиладиган жаллод кўринади. Шўринг қурғур. Раъно хон! Бу одамнинг сассиқ гапларига, аччиқ ҳақоратларига, бадҳазмлигига шунча йилдан бери қандоқ қилиб бардош бериб келди экан?

Ғойиб. (гулни узатиб) Мана яраш... (Гулюз ҳаёлчан гулдастани олиб ҳидлайди). Мени кечиринг, кайф билан, асаблайишиб анча ортиқча гаплар гапириб юбордим, чамаси. Менинг сизга бўлган эътиқодим, муҳаббатим самимий...

Гулюз. Бу ҳақда ортиқ гаплашмайлик! Етар!

Ғойиб. Сизни кутаман, умрбод кутаман... Агар ҳаётингизда бирор машаққат юз бергудек бўлса, хабар қилинг, учиб бораман, ҳар қандай ёрдамга тайёрман!

Гулюз. Қуллиқ!

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

Дунё харитаси олдида

ҲОРМАНГЛАР ЭНДИ, АЗАМАТЛАР!

«Восход-2» фазодаги парвозини тугаллаб келаётган эди. Команда пунктидаги мутахассислар нема ҳар гал Ер куррасини бир марта айланиб чиққанда, картага қизил байроқча билан белги қўймоқдалар.

Бош конструктор алоқа аппарати олдида ўтирибди.

— Мен Заряман. Овозимни қандай эшитяпсиз?— деб сўради олим нема командири Павел Беляевдан.

— Мен Олмосман. Овозингизни яхши эшиталяпман, — деб жавоб қайтарди сўзни битта-битта чертиб космонавт.

— Парвознинг якунловчи босқичига ҳозирланишингизни илтимос қиламан. Ерда дийдор кўришгунча хайр. Сизларни орзиқиб кутамиз, — деди олим.

Қаҳрамонларнинг қайтишини ер юзидаги ҳамма одамлар ҳам орзиқиб кутар эдилар. Ҳамма жасур космонавтларни тезроқ кўрсам, уларнинг парвоз ҳақидаги ҳикоясини эшитсам, космос нималигини, унда яшаш ва ишлаш қандай бўлишини билиб олсам, деган иштиёқда... Ерлик одамлардан биринчи бўлиб кемадан чиқишга, ундан сал нарироқда сузиб юришга, чор атрофни томоша қилишга, юлдузлар жамолини кўришга, фақат биргина гермошлемнинг шаффоф сипари тўсиб турган ҳўзлари билан Коинотга боқишга журъат этган Алексей Леонов бу ҳақда сўзлаб беради, деган умиддамиз...

Кўрсатилган жасоратнинг маъзнни чақиб кўрмоқчи бўлсанг, ҳаёлингда кўп саволлар туғилади. Шундай саволлардан бир нечтасига жавоб беришни журналистлар Космонавтика назариячисидан илтимос қилишди.

— Одамнинг космосга чиқиши хусусида олимларнинг олдиндан қилган тахминлари тўла тўғри бўлиб чиқдими?

— Одамнинг космосга чиқишига доир проблемаларнинг назарий жиҳати «Восход-2» парвоз қилмасдан илгари ҳам равшан эди, албатта. Ташқи муҳит шароитлари — нурланишнинг жадаллиги, вазнсизлик ҳолатининг таъсири яхши маълум эди. Энди эркин фазода вазнсизлик ҳолати кишига қандай таъсир этиши тўғрисида қаноат ҳосил қилиш лозим эди. Леоновнинг кема кабинасидан ташқарида бўлиши олимларимиз бу ҳолни ҳам тўғри тасаввур этганликларини исботлади.

— Космосда одамнинг бирон суянчиги бўлмайди. У ўзини тўғри тутиб туришига ёрдам бериш учун бирон восита керак-ми?

— Менингча, асосий нарса кўникма ҳосил қилишдир. Тегишли машқлар одамнинг космосда ҳам ўзини бемалол эркин сезишига имкон беради. Эҳтимол, космосда ишлаш Ерда ишлашга нисбатан, хатто енгилроқ бўлиб чиқар. Шу жиҳатдан қараганда ҳам бизнинг биринчи тажрибамиз жуда катта аҳамиятга эга. Бу космосни ўзлаштиришда олға қараб қўйилган зўр қадамдир.

— Шу тажрибани ўтказиш вақтида бирон кутилмаган ҳодиса рўй бердими?

— Йўқ, рўй бермади. Бу тажриба кўпгина янгиликлар кептирди: одам умрида биринчи марта тўла бўшлиққа чиқиб қолди, уни кеманинг деворлари муҳофаза қилмади, одам биринчи марта вазнсизлик ҳолатида ҳаракат қилиш учун тўла эркинликка эга бўлди. Конструкторлар мана шу жиҳатларнинг ҳаммасида техника вазифаларини тўғри ҳал қилдилар. Тажриба муваффақиятли ўтди.

— Леоновнинг тажрибаси космонавтика олдида қандай имкониятлар очиб беради?

— Аввало, космик техника бойиди. Одамнинг космосга чиқиши кемаларнинг бир-бирига қамти келиб, уларни бирлаштириш вазифасини амалга оширишни яқинлаштиради. Бундай кемалар бир-бири билан учрашган вақтда экипажларини осонгина алмаштира олади: чунки одам фазога чиқа бериши мумкин. Биз ҳали космосда орбитал станциялар, яъни илмий тадқиқот институтларига ўхшаш станциялар пайдо бўладиган замонларни ҳам кўрамиз.

— Сиз космосни эгаб этишда асосий босқичлар деб нималарни биласиз?

— Энг муҳим босқичлар мана шулардан иборат: биринчи Ер йўлдошининг орбитага чиқарилиши, биринчи ракетанинг Ойга учирилиши, Ойнинг кўринмас томони суратга олиниши, биринчи одамнинг космосга учиши. Ҳозир эса Алексей Леонов кемадан ташқарига чиқишни тажриба қилиб кўргандан кейин яна бир босқич бошланди.

— Малол келмаса, космосни тадқиқ қилишда сўнгги йилларда эришилган энг муҳим натижаларни айтиб берсангиз.

— Биринчидан, учирилган йўлдошлар ва ракеталар космос физикаси учун кўп нарса берди. Радиация минтақалари, Ернинг водород тожи нашф этилди, Қуёш шамоли — Қуёшдан учиб келадиган протонлар оқими аниқланди. Геофизика янги муҳим маълумотлар билан бойитилди. Биз юқори атмосферанинг ҳаёти қонунларини, қутб ёғдулари ва магнит бўронлари сирлари ҳодисаларни яхшироқ тушунадиган бўлиб қолдик, об-ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан аниқроқ айтиб бериш имкониятига эга бўлдик.

— Америка Қўшма Штатларида одамни кемадан космосга чиқариш проблемаси қай босқичда турибди?

— Америка олимлари бу вазифа ҳақида, чунончи «Жеминай» лойиҳаси тўғрисида кўпдан бери ёзиб келадилар. Бироқ, шу лойиҳага биноан, кемаларни учириш нуқул пайсалга солинмоқда. Ҳозир АҚШда иккинчисини битта кемада учириш планлаштирилмоқда, лекин бу космонавтлар кабинадан ташқарига чиқмайди.

— Энди метеоритлар хавфи тўғрисида бир савол. Метеоритлар Леоновга қай даражада хавф солди?

— Приборлар метеорит хавфи аввал ҳисоблаб келинганига нисбатан камроқ эканини кўрсатди. Умуман айтганда, Ерда яшовчи одамлар ҳам метеорит хавфидан холи эмаслар. Планетамиз сиртига осмон жисмлари анча-мунча тушиб туради...

Олим соатига қараб:

— Кечирасизлар. Вақтим тугади. Ҳозир кема туша бошлайди,— деди.

... Биз команда алоқа пунктида тўпландик. Кутиб олиш группалари билан шу ердан алоқа қилиб турилибди. Сув сепгандай жимжитлик ҳукм суради. Кема атмосферанинг юқоридаги зич қатламларига нақадар шиддат билан кириб келаётганини ҳаёлан тасаввур қиламиз. Кема худди ўтли қуюндек ўзига йўл очиб, аста-секин Ерга яқинлаша беради.

Кема командири Павел Беляев қўлда бошқариш системасидан фойдаланиб кемани ерга қўндирди.

... Мана космонавтлар жонажон тупроғимизга зафар билан қайтиб тушишди. Шодиёна хитобларнинг забтидан команда пунктидаги ойналар дириллайди. Конструкторлар, олимлар, инженерлар, ракетачиларнинг севинчи ичига сиғмайди. Бу ерда «Восход-2»ни учиришга ўз билимини, талантини, маҳоратини қўшмаган киши йўқ...

А. РОМАНОВ,
ТАСС махсус мухбири.

Байконур космодроми, 19 март.

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Авторемонт заводининг ишчиси Хоа Бине Туан Нха деталларни доимо аъло даражада таъмирлайди. Бу қаҳрамон қиз заводни мудофаа қилиш отрядининг энг яхши жангчиларидандир.

ВИА—ТАСС фотоси.

Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг муваффақиятлари

ХАНОЙ, 19 март. (ТАСС). Халқ қуролли кучлари Жанубий Вьетнам территориясининг аҳолиси 8 миллион кишидан иборат бўлган тўртдан уч қисмидан кўпроғини озод қилдилар.

1961 йилдан то 1965 йил 1 мартгача Жанубий Вьетнамнинг халқ қуролли кучлари душманнинг 512 минг солдатини сафдан чиқардилар, шу солдатлардан 341 минг киши ўлдирилди. Шу давр ичида америка солдатларидан 4366 киши қириб ташланди.

Мана шу маълумотларнинг ҳаммаси бугун «Нян Зан» газетасида эълон қилинган хабарда келтирилган. Шу даврнинг ичида, деб ёзади газета, Американинг 2 мингдан кўпроқ самолёти уриб туширилган ва шикастланган, 900 та ҳарбий кемаси сувга ботирилган ва шикастлантирилган. Ҳамма «стратегия қишлоқлари»нинг 80 процентдан кўпроғи вайрон қилинган.

Газетанинг яна ёзишича, ўтган йил августда Америка Вьетнам Демократик Республикасига қарши қуролли иғвогарлик қилгандан кейин Вьетнам Демократик Республикаси халқ армиясининг қисмлари Американинг 50 та самолётини уриб туширди, 7 та ҳарбий кемасини сувга ботирди ва шикастлантирди. Американинг учта учувчиси асир қилиб олинди.

ЛАОС ТЕРРИТОРИЯСИНИ БОМБАРДИМОН ҚИЛИШ ВА ЎККА ТУТИШ ТЎХТАТИЛСИН

Лаос коалицион ҳукумати бош министрининг ўринбосари, Нео Лао Хак Сат партияси Марказий Комитетининг раиси шаҳзода Суфанувонгдан 1962 йилда Лаосга бағишланиб ўтказилган Женева кенгашининг ҳамраиси бўлмиш СССР ташқи ишлар министри номига шу йил 23 февралда ёзилган хат олинди. Бу хатда Америка самолётлари Лаос территориясини бомбардимон қилаётганлигига ва ўққа тутаётганлигига қарши норозилик билдирилади. Шаҳзода Суфанувонгнинг бу хати Лаосга бағишланиб, 1962 йилда ўтказилган Женева кенгашида қатнашган мамлакатларга шу кенгашнинг совет ҳамраиси номидан тарқатилди.

Мазкур хатда Америка империалистлари томонидан яқинда Лаосга қарши қилинган агрессив ҳаракатларга эътибор жалб қилинади. Американликлар ва уларнинг малайлари бомбардимон қилишларни такрорлаётганликлари билан бир қаторда ўзларининг яхши қуролланган кўп сонли командос группаларини озод қилинган районларга юбориб, шу районларда доимий безовталик кайфияти вужудга келтириш фаолиятини кучайтириб юбордилар.

Нео Лао Хак Сат партиясининг раиси ва Лаос миллий бирлик ҳукумати бош министрининг ўринбосари сифатида мен, деб ёзади шаҳзода Суфанувонг, Америка империалистлари ва малайларининг муттасил кучайтириб бораётган агрессив ҳаракатларини мамлакат ва бутун дунё жамоатчилиги олдида қатъиян фош қилаётирман. Улар Сам Нео вилоятига ва Нео Лао Хак Сат назорати остида бўлган бутун зонага осмондан ҳужум қилишларини дарҳол тўхтатсинлар, улар қонунга хилоф равишда Лаосга олиб келган ўзларининг ҳарбий ходимларини ва ҳарбий материалларини Лаосдан дарҳол олиб чиқиб кетсинлар, Лаосга қарши ўзларининг агрессив ва иғвогарлик ҳаракатларини тўхтатсинлар, деб талаб қиламан.

Америка империалистлари ва малайларининг сира ўйламай қилаётган ҳаракатларига самарали тўсқинлик қилиш мақсадида шаҳзода Суфанувонг Лаос масаласи билан шуғулланган Женева кенгашининг ҳамраисларига мурожаат этиб, улардан Америка империалистларининг ва малайларининг муттасил қилаётган агрессив ҳаракатларини коралашни, Лаосга доир 1962 йилги Женева битимларига қаттик риоя қилишни улардан талаб этишни қатъий илтимос қилди.

ЯНА ҲУЖУМ ҚИЛИНДИ

ХАНОЙ, 19 март. (ТАСС). Америка авиацияси бугун Вьетнам Демократик Республикасидаги Нге Ан вилоятига яна бир марта, сўнгги беш кун ичида эса шу билан иккинчи марта ҳужум қилди.

БАНДИТЛАРЧА ҲУЖУМ

НЬЮ-ЙОРК, 19 март. (ТАСС). Сайгондаги АҚШ ҳарбий қўмондонлигининг вакили бугун АҚШ ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучларининг самолётлари Вьетнам Демократик Республикасининг территориясига яна ҳужум қилганлигини айтди. Демаркация чизиғидан тахминан 160 миля шимолдаги Винь шаҳридан 25 миля ғарби-шимолга жойлашган объектлар бомбардимон қилинди ва ракеталар билан ўққа тутилди. АП агентлиги мухбирининг Сайгондан хабар беришича, бу ҳужумда АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари билан 7-флотининг 120 дан кўпроқ самолёти қатнашган.

АП агентлигининг мухбири Америка авиацияси борган сайин тез-тез ҳужум қиладиган бўлиб қолди, деб таъкидлайди.

Апрель ойининг охирида Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ташкил топганига 15 йил тўлади. Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Монголия, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия шу Кенгашнинг аъзоларидир. Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатлар ишлаб чиқараётган саноат маҳсулотлари жаҳон саноат маҳсулотининг қарийб 31 процентини ташкил этади. Бу мамлакатлар биргалиндa гигант «Дўстлик» нефтепроводи ва «Тинчлик» энергетика системасини бунёд этдилар. Ҳозир бу мамлакатлар жуда кўп саноат объектларини биргалиндa қурмоқдалар. Суратда: Болгарияда тикланаётган Кремиков комбинатининг умумий кўриниши. Бу металлургия гигантини қуришда ҳам Совет Иттифоқи дўстона ёрдам бермоқда.

ТАСС фотохроникаси.

«МАРИНЕР-4» КЕМАСИДА ИШКАЛЛИК

НЬЮ-ЙОРК, 19 март. (ТАСС). Ассошиэйтед пресс агентлиги мухбирининг Пасадинадан (Калифорния) юборган хабарига қараганда, реактив двигателлар лабораториясининг раҳбарлари Американинг Марсга учиб бораётган «Маринер-4» космик кемаси радиация тўғрисидаги маълумотларни ерга юбормай қўйганлигини айтишган.

Кеманинг бундан икки ҳафта олдин бир қисми ишдан чиққан ионизацион камераси бутунлай ишламай қўйган. Америка олимлари умумий энергия манбаи ҳам ишдан чиққан бўлса керак, деб гумон қилмоқдалар.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 март. (ТАСС). АҚШ президенти Жонсон кеча матбуот вакилларига бундай деди: Мабодо, Алабама штатининг губернатори Уоллес Селмадан Монтгомерига ўтказиладиган юриш қатнашчиларининг хавфсизлигини таъминлаш учун Штатнинг миллий гвардиясидан фойдаланишни эплай олмаса ёхуд истамаса, у ҳолда мен шу мақсадни амалга ошириш учун миллий гвардияни федерал ҳукумат контроли остига олишим мумкин. Уоллеснинг ихтиёрида 10 мингдан ортиқ ўқитилган миллий гвардиячилар бор. Уоллес ана шуларни хизматга чақириши мумкин, деди Жонсон.

Жонсон бу гапларни Алабама штатининг қонун чиқарувчи органи Уоллеснинг ташаббуси билан, бўлажак намойишни қоралаб, иркчилар томонидан қилиниши мумкин бўлган ҳужумлардан намойиш қатнашчилари хавфсизлигини таъминлаш учун бутун жавобгарликни ўз зиммасидан соқит қилишга урингандан кейин айтди. Уоллес бу вазифани федерал маъмурлар ўз зиммаларига олмоқлари керак, деган эди.

ЧОМБЕ САЙЛОВ ЎТКАЗМОҚДА

Леопольдвиль Конгосида 18 мартдан парламентга ялпи сайловлар ўтказила бошлайди. Ояти ҳафта давом қиладиган бу сайловларни номигагина «ялпи» сайлов дейиш мумкин. Овоз бериш Чомбе таянган вилоятда—Қатангада бошланади, сўнгра мамлакатнинг энг катта шаҳарларида ўтказилади. Конгонинг миллий озодлик кураши алангаси билан қоплашган ёки Леопольдвилдаги маъмурлари қилаётган террор ва таҳдидлар вазиятида яшаб турган жуда катта қолган территориясида эса сайловлар нормал равишда ўтказиш мумкин бўлмайдиган ишдир.

Конгодаги сайловлар энг прогрессив арбоблар турмага қамаб қўйилган, бир қанча вилоятларда эса фавқулодда ҳолат жорий қилинган, митинглар ўтказиш таъқиқлаб қўйилган вазиятда бошланмоқда. Яна бунга қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, Чомбенинг ифлос ишларини бажаришда унинг энг яқин сафдоши бўлган ички ишлар министри Г. Муноногога сайловларда «тартиб ўрнатиш» вазифаси юкланган.

Леопольдвиль режими тайёрлаган сайлов системаси ниҳоят даражада чигал ва атайин мураккаблаштириб юборилган. Бу системанинг асосий мақсади жамоатчиликни лақиллатишдан, Чомбе тарафдорларини парламентга сайлатиб, оппозиция вакилларини депутатликка ўтказмаслиқдан иборатдир.

Конгода ҳокимият учун курашга 230 дан кўпроқ партия қатнашади. Бу партияларнинг сиёсий платформалари кўпинча улар рўйхатга киритган номзодларнинг манфаатларигагина мос бўлиб тушади. Сайловчи рўйхатдаги ҳамма номзодлар учун бир йўла ёки айрим номзодлар учун овоз бериши мумкин.

Сайловлардан анча олдин Чомбе Катангадаги ўзининг «Канакат» деб аталган собиқ партияси билан бир найранг ишлатди. Чомбе бу партияга «умуммиллий характердаги» партия тусини бермоқ учун унинг атрофида янги сиёсий ташкилот — «Конако» тузилганлигини эълон қилди. Бу ташкилотда Конгонинг бошқа вилоятларидаги энг реакцион, мустамлакачилар тарафдори бўлган доиралар ҳам бирлашдилар. Янги партияда Касаи вилоятининг сўқма «худоси — императори» Албер Калонжи сингари сиёсий мутҳамлар Чомбе билан бир каторда биринчи ролни ўйнаётганликлари тасодифий эмас.

Бироқ, ҳокимият учун кураш қизиб кетганлиги ва раҳбарларнинг сотқинлиги «Конако»нинг фаолиятини аввал бошданоқ чиппакка чиқарди. Леопольдвилдаги ишлардан яхши хабардор бўлган америкалик журналист Робин Меннокинг ёзишига қараганда «Конако» «манифестини имзолаган сиёсий арбобларнинг кўплари бир-бирига ўлгўдек душман кишилардир. Шу сабабли улар бирбирини бўғиб ташлашига Чомбе йўл қўймаслигига кўп кишилар астойдил шубҳаланмоқдалар».

Чомбе билан Конгонинг ҳозирги президенти Касавубу ўртасига ҳам совуқчилик тушиб қолди. Чунки кейинги вақтларда Чомбе президентлик мансабига кўз олайтирмоқда. Касавубу бошчилигидаги «Абако» партияси «Конако» билан сайлов олди иттифоқи тузишдан бош тортди.

Конгонинг прогрессив кучларига келганда улар майнавозчиликка ўхшаган ҳозирги сайловларга ҳокимият тепасида ўрнашиб олишга интилаётган Чомбенинг навбатдаги янги найранги деб баҳо бермоқдалар. Улар бу сайловларда қатнашишдан қатъиян бош тортдилар. Конго ватанпарварлари сотқин Чомбе режимини дарҳол ҳокимиятдан четлаштиришни, Конгонинг ишларига империалистларнинг аралашувини тўхтатишни, мамлакатда чинакам демократик конституция жорий қилишни ва ҳозирги кунда қўлига қурол олиб ўз мамлакатининг ҳақиқий мустақиллиги учун курашаётган кишиларнинг иштироки билан ваколатли ҳукумат тузишни талаб қилмоқдалар. Шундай қилинганидагина Конгода чинакам демократик ялпи сайловлар ўтказиш учун шарт-шароит вужудга келади.

С. КУЛИК,
ТАСС обзорчиси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

Радио

21 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7:40. — Ота-оналар учун, 8:25 — Концерт, 9:25 — «Ялла» концерти, 10:30 — Шарқ халқлари куйлари, 11.10 — Янги фильмлар (рус.), 11.25 — Концерт, 12.15 — Эрталабки салом (Москва), 13:30 — Эстрада куйлари, 15:20 — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» радиожурнали (рус.), 15:50 — «Номаълум киши» Ҳамза номли театр спектакли монтажи, 18:00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 18.45— Музикали антракт, 19:20 — Қўшиқ ерларда ишлаётганлар учун концерт, 20:00 — «Юность» радиостанцияси (Москва), 21:15 — Эстрада концерти, 22.00 — Дунё харитаси олдида, 22.10 — Қўшиқ, рақс ва ҳазиллар, 23.10 — Дам олиш концерти.

Телевидение

21 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11.00 — **Эрталабки гимнастика,** 11.20 — **Концерт** (болалар учун), 11.50 — **Зумрад ва Қиммат** («Эртак кетидан эртак» циклидан).

Рус тилида: 12.50 — **Инглиз тили** (болалар учун), 13.10 — **Горькийнинг ёшлиги** (бадиий фильм), 14.45 — **«Старшеклассник» клуби.**

Ўзбек тилида: 15.25 — **Физикадан лекция** (сиртқи студентлар учун), 17.00 — **Фунтик ва бодринг** (болалар учун мультфильм), 17.25 — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 17.40 — **Ўзбекистон галласи** (ҳужжатли фильм), 18.00— **Телевизион янгиликлар,** 18.15 — **Реклама ва эълонлар,** 18.20 — **Шимол шамоли** (катталар учун қисқа метражли фильм), 18.40 — **Экранда—севимли артистлар.**

Ўзбек тилида: 19.10 — **Оталар сўзи—ақлнинг кўзи** («Ёшлик» студияси).

Рус тилида: 20.00 — **Новости дня** киножурнали ва **Жаннатда кулги** номли кинокомедия.

Ўзбек тилида: 21.45 — **Комедиялар кечаси.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18:00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/III да кундуз **Момақалдироқ сўқмоғидан,** кечқурун **Аида,** 23/III да **Фауст.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/III да **Сўнгги нусхалар,** 23/III да **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/III да **Тошболта ошиқ.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 21/III кундуз соат 1 яримда 7, 11-синф ўқувчилари учун музикали лекторий абонементи бўйича **«Социалистик мамлакатларнинг музика, ашула ва рақслари»** деган темада **концерт-лекция.**

Кино

Уч опа-сингил — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 9.40 минутда), «ВОСТОК» (эрталаб 10, кундуз 12 ва 2 да).

Можаро — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5, кеч 7, 9 ва 10 яримда).

Қора кўзойнак — «МИР», НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ЧАЙКА», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун, 2-залда кеч 8 ва 10 да).

Австралиялик хотин излайди — «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 6 да), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Капитан Грант болалари (эрталаб соат 10 да), **Секретарь қиз** (кундуз ва кечқурун) — СОБИР РАҲИМОВ номли.

Ганга ва Жамна (1 ва 2-серия) — «ЮЛДУЗ» (кеч соат 6 ва 8-40 минутда).

Толя Клюквин саргузаштлари— НАВОИЙ номли (эрталаб соат 9.40 минутда).

Рижик — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 9 да).

Ун ўғлар — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 ва кундуз 2 да).

Алёшка эртаклари — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 9 яримда).

«Ташсантехгазмонтаж» трестининг

2-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

сантехника слесарлари, газосвариачилар, мастерлар ва прораблар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-19, Радиальний проезд, 12-уй (2, 6-троллейбус, 10-трамвай, 8, 9, 10, 11, 14, 49, 61-автобусининг «Ишчилар шаҳарчаси» остановкаси).

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Сарвар Азимов асари

Юлдузлар жамоли

2 пардали драма.

Режиссёрлар — Ўзбекистон ССР халқ артисти **А. О. Гинзбург** ва СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати **Олим Хўжаев,** рассомлар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Д. В. Ушанов** ва **А. А. Шибаев,** композитор — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Икром Акбаров.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 21 мартда

катта концерт

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Фароғат Раҳматова,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Тамара Назарова, Бахтиёр Ихтиёров, Суръат Пўлатов,** солистлардан **Толибжон Бадинов, Райҳон Тўраева, Ҳадя Юсупова, Наима Исоқова, Адиба Мирзаева, Гулсара Еқубова, Марям Каримова, Анвар Рустамов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

23, 24, 25, 26 мартда

Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида

ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТЛАРИ

Концертларда: Бутуниттифоқ ёшлар ва студентлар фестивали лауреати **Отажон Ражабов,** солистлардан **Олмахон Ҳайитова, Гулчеҳра Исмоилова, Шариф Султонов, Жуманиёз Собиров, Отаназар Абдалниёзов, Раъно Жуманиёзова, Ражаб Исмоилов, Отабой Ҳасанов,** ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИ

доимий ишлаш учун:

1-КАТЕГОРИЯЛИ СОЛИСТ ВА СОЛИСТКАЛАР, МУЗИКАЧИЛАР

қабул қилади

Келувчилар квартира ва ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Термиз шаҳар, 1 Май кўчаси, 26-уй, телефон 26-52.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг

ҚУРИЛАЕТГАН ЭЛЕКТР ЛИНИЯЛАРИ ВА ПОДСТАНЦИЯЛАРИ ДИРЕКЦИЯСИ

тугатилади

Даъволар 30/III гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 1 Май кўчаси, 101-уй.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»

ЭЛЕКТР УЧУН

счёт ёзиш ўзларига топширилган абонентларга таклиф қиладики,

ҳар ойнинг 1-кунидан 11-кунигача счёт ёзиб,

ЭЛЕКТР ҲАҚИНИ

Госбанкнинг кирим омонат кассаларига тўласинлар.

Утган вақт учун

ҚАРЗЛАРИ

БЎЛГАН АБОНЕНТЛАР

тездан тўлашлари лозим.

Счётлар ўз вақтида тўланмаса, электр оғоқ қилмасдан узиб қўйилади.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КОРХОНАЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ—«ГИПРОСТРОМ»ГА

электрик инженерлар ва техниклар, қурувчи инженерлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 66-уй, 3-қават, 31-хонада кадрлар бўлимига учрашилсин (3-трамвайнинг «Ассаванская» остановкаси).

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 31226. Пропаганда — 27221. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши—33258. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 31226. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 08540. ИНДЕКС 64543 № В. 67.